



**Асаб бузаётган рекламалар**



**Фарзанд асраб  
олишни соддалаштириш  
вақти келмадими?**



# ЖАМИЯТ

№ 29-30 (709)  
2020 йил  
14 август,  
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета  2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган  [www.bong.uz](http://www.bong.uz)  [jamiyatgzt@mail.ru](mailto:jamiyatgzt@mail.ru)

**ХУСУСИЙ ТИББИЁТ  
МУАССАСАЛАРИ  
“ЎГАЙ”МИ?**

**АЛДАНГАН  
АЁЛНИНГ  
САВОЛИ**



**ИНСОН  
МАНФААТ-  
ЛАРИ –  
АСОСИЙ  
МЕЗОН**



**Калтак –  
елажак  
кушандаси**



**“Ҳаёт жуда кўп  
вақтингизни олади”**

**ҚИСҚА  
САТРАЛДАРДА  
ЎҚИНГ!**

15 августдан карантин қоидалари юмшатилади. Хусусан, автотранспорт воситаларининг кун давомида юриши, маҳаллий авиа ва темир йўл қатнови учун рухсат берилади.



**Юртимизда тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш орқали халқимиз генофондини мустаҳкамлашга эришиш мумкин. Буни Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасининг ҳар бир аъзоси чуқур англаган ҳолда, дастлабки ярим йиллик фаолияти давомида ушбу масалаларга алоҳида аҳамият қаратди. Дунёда коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб ва синовли кунларда аҳоли ҳаёти ва соғлиғини асраш нафақат тиббиёт ходимларининг, балки бутун жамиятнинг муҳим вазифасига айланди.**

Асосий фаолият йўналишларимиздан бири бўлган қонун ижодкорлиги борасида ўтган даврда қўмита бевосита 6 та қонун лойиҳаси устида иш олиб борди. Улардан 3 таси қабул қилинди. Хусусан, дори воситаларини, шу жумладан, кучли таъсир қилувчи воситаларни рецепт бўйича реализация қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонун, аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида барчанинг масъулиятини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, кам учрайдиган касалликларни диагностика қилиш ва даволашда фойдаланиладиган тиббий буюмларни, шунингдек, фавқулодда эпидемиологик вазиятларда қўл-

ланиладиган дори воситалари, тиббий буюм ва ускуналарни импорт қилиш механизмини соддалаштиришга қаратилган қонуннинг қабул қилиниши ўз вақтида кўрилган чора бўлди. Ҳисобот даврида қўмита аъзолари “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини маромига етказиб, палата муҳокамасига олиб чиқди. Мазкур ҳужжат қўйи палатада қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатига кўриб чиқиш учун юборилди. Ҳозирги кунда қўмита томонидан “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонунни бугунги кун талаблари доирасида такомиллаштириш ва янги тахирда қабул қилиш борасидаги ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизда коро-

# Халқ ишончи — юксак масъулият

навирус пандемияси туфайли жорий қилинган карантин чора-тадбирларига риоя этилиши, мазкур шароитда аҳолимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда тиббиёт ходимларини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш борасида Президентимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларнинг жойларда ижро этилиши ҳолати бевосита ўрганилди. Ўрганиш якунлари қўйи палата Кенгазининг кенгайтирилган мажлисида кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Қўмита ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Норқобиловга парламент сўрови ҳамда қўмита аъзолари томонидан 6 та депутат сўровлари юборилди. Таъкидлаш лозимки, қўмита аъзолари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш масаласига ҳам ўта масъулият билан ёндашмоқда. Хусусан, 6 ой давомида бевосита қўмитанинг ўзига 315 та мурожаат келиб

тушди ва қонунчиликда белги-ланган тартибда кўриб чиқилди. Уларнинг 188 тасига ижобий ечим топилди. Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, кейинги пайтларда мурожаатлар орасида таклифлар сони кўпаймоқда. Жумладан, қўмитага йўлланган мурожаатлардан 248 таси ариза, 53 таси шикоят бўлса, 14 таси таклифдир. Ушбу таклифлар қўмита томонидан атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилиниб ҳамда улардан 4 таси норма ижодкорлиги жараёнида инобатга олинди. Ўтган даврда қўмита аъзолари томонидан 100 нафардан зиёд жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг қабули ташкил қилинди. Уларда 134 та масала кўтарилди. Кўтарилган масала ва муаммолардан 78 тасига ижобий ечим топилди, 56 таси ваколат доирасида кўриб чиқилиши учун тегишли давлат органларига юборилди. Сайловчилар билан мулоқот қилиш, уларни қийнаётган масалаларга ечим топишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятидан унумли фойдаланилиб, масофавий ишлашни кучайти-

ришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ҳисобот даврида қўмита аъзолари ўзининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда онлайн мулоқотлар орқали сайловчилардан 35 та мурожаат қабул қилиб олди. Улардан 21 таси ўрнатилган тартибда ҳал этилди, 14 тасини ҳал қилиш юзасидан иш олиб борилмоқда. Умуман олганда, депутатлик фаолиятимизнинг дастлабки 6 ойи давомида қўмитамиз томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Бироқ олдимизда бажарилиши лозим бўлган бундан-да, салмоқли ишлар турибди. Шундай экан, қўмитамизнинг ҳар бир аъзоси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг самарадорлигини янада оширишга, тиббий хизматларни аҳолимизга яқинлаштириш ҳамда уларнинг сифатини юксалтиришга қаратилган қонунларни қабул қилишда бор куч ва билимларини сафарбар этади. Зеро, халқимиз ишончи биз учун юксак масъулият.

**Елена БОРИСОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг  
Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси раиси**

## “Қўлдан келганча” ҳаракат ҳаракат эмас

**Ҳозирги мураккаб шароитда “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” таъминоти асосида ишларни янада самарали ташкил этиш ҳаётий заруратга айланмоқда. Бу “давлат — фуқаро” муносабатларида қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлаш, халқ оғирини енгил қилишда муҳим аҳамият касб этади.**

Шу боис, тизимни рақамлаштириш жуда муҳим. Бу орқали навбатда туришларни камайтириш, ортиқча югур-югур, сансалорликларга барҳам бериш, вақтни тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва энг асосийси, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш, пировардида фуқароларнинг давлатдан рози бўлиши таъминланади. Яқинда ҳукумат Олий Мажлис палаталарига “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурининг бажарилиши бўйича 6 ойлик ҳисобот тақдим этди. Унда иқтисодиётни рақамлаштириш йилида интернет тезлигини ошириш, мобил алоқа сифатини яхшилаш, маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш учун марказлар фаолиятини

ривожлантиришга оид амалга оширилган ишлар кўрсатилган. Ҳақиқатдан ҳам ягона интерактив давлат хизматлари порталида 128 турдаги хизматларнинг онлайн шаклда кўрсатилиши, Халқ таълими вазирлиги томонидан онлайн дарсларнинг йўлга қўйилгани, банк ва хизмат кўрсатиш соҳаларида рақамлаштириш бўйича ижобий тенденцияни кузатиш мумкин. Лекин айрим соҳаларда ҳалигача эски услубда фаолият юритилмоқда. Ҳалигача давлат идоралари ва давлат тасарруфидаги коммунал хизматларни кўрсатадиган корхоналар ўртасида маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилмаган. Бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўляпти. Масалан, оилада фарзанд тугилиши ёки


кимдир вафот этиши ҳолатлари тегишли давлат органлари томонидан расмийлаштирилади ва тегишли гувоҳномалар берилди. Бироқ истеъмолчи 5 иш кунидан кечикмай, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларни оила аъзоларининг кўпайиши ёки камайиши тўғрисида огоҳлантира олмаслиги мумкин. Ёки фуқаро тураржойини ижарага берганда давлат солиқ органларида ижара шартномасини ёки паспорт столида ижарачиларни вақтинча рўйхатга олишига қарамасдан, мазкур маълумот хизмат кўрсатувчи корхоналарга алоҳида-алоҳида етказилиши лозим. Рақамли иқтисодиётнинг асосий принципларидан бири давлат органларига 1 та ҳужжатни 1 марта тақдим этиши, давлат органлари эса маълумотларни фуқарони овора қилмай, бир-бирларидан олиш имкониятини яратиш бериши керак. Яна бир мисол, фуқаролар солиқ суммасини маълум сабабларга кўра, солиқ органининг бошқа ҳисоб рақамига ўтказиб юборганида, пулни қайтариш учун ариза ёзиши, паспорт нусхаси тақдим этиши ва пул маблағларининг

қайтарилиши учун 2 ҳафта куттиши зарур бўлади. Энг қизиғи, тўлов суммаси бошқа ҳисобга ўтказилган тақдирда солиқ органи тўловчига бу тўғрисида хабар бермайди. Наҳотки, бу жараёни ҳам рақамлаштириш имкони бўлмас? Солиқ суммаси бошқа давлатга тўлангани йўқ-ку?! Айниқса, коммунал соҳадаги ҳисобга олиш асбобидан фойдаланишнинг чекланган муддати тугашидан белгиланган муддатда хабардор қилмаслик ва бунинг оқибатида барча айбни истеъмолчига қўйиб, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўзларининг манфаатига муносиб равишда қайта ҳисоб-китоб қилишлари ташвишланарли ҳолат. Бу пандемия шароитида аҳолини моддий томондан янада қийин аҳволга солмоқда. Вилоятларда, айниқса, чекка ҳудудларда мобил алоқа ва интернет сифати ҳамда нархлар бўйича ҳақиқий ҳолат эса ҳаммага аён. Тўғри, бу муаммолар эътиборсиз қолаётгани йўқ. Ҳозирда вазирлик, қўмита ва идора раҳбарлари рақамлаштириш бўйича берилган топшириқ-вазифаларни “қўлдан келганча”, ажратилган ресурслар доирасида ҳаракат қилишмоқда. Бироқ баъзи соҳаларда рақамлаштириш илгарилаб, баъзи соҳалар орқада қолиб кетмоқда. Шу боис =укумат томонидан кучли ва самарали, барча давлат органларини бирлаштира ола-

диган ягона платформа яратиш мақсадга мувофиқ. Ягона стратегия, тизим ва ҳаракатлар дастури ҳам мавжуд бўлиши керак. Шу билан бирга, бевосита Президент ва палаталарга ҳисобдор рақамлаштиришга масъул давлат органи жорий этилиши айтиш мумкин бўларди. Бундан ташқари, рақамлаштириш бўйича лойиҳаларга буюртма беришда шаффофликка эътибор қаратиш, маҳаллий салоҳиятли компаниялар иштирок этишига имконият яратиш зарур. Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, рақамлаштириш бу — мураккаб ва маълум вақт талаб этадиган, чуқур мулоҳаза ва аниқ стратегиялар асосида амалга ошириладиган жараён. Пандемия эса ҳар бир давлатга, ҳар бир шахсга маблағлардан самарали фойдаланиш қанчалик муҳим эканлигини ўргатди. Умид қиламизки, ҳукуматимиз ҳам мазкур соҳага ажратилган маблағларни самарали йўналтириб, ижобий натижага эришади. Зеро, халқимиз бу натижаларни ўз ҳаётларига аққол кўришни истади. Уларнинг ҳаётий эҳтиёжи ва талабини амалга ошириш эса устувор вазифалардан биридир.

**Нодирбек ТИЛВОЛДИЕВ,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатасининг  
Саноат, қурилиш ва  
савдо масалалари  
қўмитаси раиси ўринбосари**


Олий Мажлис палаталари энди хўжалик бошқарув органлари раҳбарларининг ахборотини ҳам эшитади.





**Бугун керакли ахборотни олишга бўлган эҳтиёжимизни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжудлигини инкор этмаймиз. Шу билан бирга газета, журнал, телевидение ва радиоэшиттиришлар, электрон ахборот тизими, Интернет имкониятлари, ижтимоий тармоқлар ва бошқа манбалардан зарурий ахборотни олиш истагида бўлганимизда, албатта, маълум бир йўналишдаги рекламага дуч келишимиз аниқ.**

# Асб буздаётган рекламалар



Меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, реклама — бевосита ёки билвосита фойда олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда, ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборотдир.

Бундан кўриниб турибдики, рекламадан унумли фойдаланиш ҳар кимнинг ўз фаолиятини янада ривожлантириш имконини беради. Айниқса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда реклама катта ёрдамчи бўлади. Лекин реклама фаолияти соҳаси, шу жумладан, ташқи реклама фаолияти ҳозирда қандай норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда? Амалда уларнинг қўлланиши қандай, мавжуд муаммоларни ҳал эта оляптими? Бу соҳада фаолият юритаётган тадбиркорларимиз қандай муаммоларга дуч келмоқда? Реклама соҳасида фаолият юритаётган жуда кўп сайловчиларимиздан шу каби саволлар келиб тушмоқда.

Соҳадаги муаммоли масалаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Инновацион ривожланиш, ахборот сийёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан 2020 йил 4 август куни “Реклама фаолияти соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ижро этилиш ҳолати” мавзусида видеоконференцалоқа тарзида соҳа экспертлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Ушбу ўрганишнинг асосий мақсади ташқи реклама фаолиятини ривожлантиришга ҳалақит берувчи омилларни, муаммоларни аниқлаш ва шу соҳани норматив-ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Ҳозирда реклама фаолияти асосан 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил

30 августдаги “Ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари билан тартибга солинмоқда.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, реклама фаолияти соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётида қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги иккита қарориди ташқи реклама конструкцияларини жойлаштиришнинг янги тартиби белгиланмоқда. Лекин транспорт воситалари, метро, жамоат жойлари (парк, бозор ва бошқалар) ташқи рекламалар ушбу ҳужжатлар билан тартибга солинмаяпти. Бунинг натижаларини эса, исталган дўкон, савдо мажмуалари, бозорларда турли кўриниш ва ҳажмдаги, шу билан бирга имло хатолари билан ташқи реклама лавҳаларининг тартибсиз жойлаштирилганлигида кўришимиз мумкин.

**Шунингдек, қарорда ташқи реклама конструкцияларининг номланиши, турлари, катта-кичиклиги ва бошқалар бўйича тушунчалар келтирилган. Лекин реклама конструкциялари ва у ўрнатилган жойининг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилмаган. Бу, албатта, соҳада фаолият юритаётган тадбиркорларга катта хавотир ва нобарқарорлик келтирмоқда. Чунки, тадбиркор ўз конструкцияси турган жойга эгалик қила олмагани сабабли ҳоқимиятнинг заруриятига кўра, исталган вақтда конструкцияни ўрнатилган жойидан кўчириш талаби кўйилиши мумкин бўлиб қолмоқда.**

Ривожланиш ортган сари ҳар хил соҳаларда талаблар

ҳам шунга яраша ўзгариб боради. Худди шундай Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги қарориди ҳам очиқ электрон савдоларда ташқи реклама объекларини (конструкцияларини) ер участкаларида жойлаштириш ҳуқуқини фақат юқори технологияли ташқи реклама объектига бериш ва 2021 йил 31 декабрга қадар марказий қатнов кўчаларида жойлаштирилган ташқи реклама объектиларини юқори технологияли қурилмаларга босқичма-босқич ўзгартириш белгиланмоқда.

Лекин бу билан бирга, юқори технологияли қурил-



маларга қўйиладиган талаблар очиқланмаяпти. Тасаввур қилинг, кўп қаватли уйларга қараб турган LED-экранли ташқи реклама қурилмаси катта ёруғлик билан кечаю кундуз ишлаб турса, у уйларда яшовчи фуқароларга қанчалик ноқулайлик туғдиради!? Шундай уйларда яшашни истармидингиз? Шу сабабли ташқи реклама учун юқори технологияли қурилмалар ўрнатилганда уларга аниқ талаблар қўйилиши керак. Яъни рекла-

ма қурилмаларини ёритиш, шунингдек, LED-экраннын ёруғлик (люкс) даражаси санитар нормалар билан чегарланиши, уларга “таймер”лар ўрнатилиши (масалан, соат 22-00 да автоматик узилиши) лозим ва авария ҳолатларида ҳам автоматик равишда узиш

**Бошқа давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаси ўрганилганда (Франция, Россия) айтишимиз мумкинки, назорат органи ҳисобига (Монополияга қарши курашиш органи) реклама объектидан йиғиладиган тўловлардан бир фоиз ҳам маблағ олинмаслигини кўришимиз мумкин.**

имконияти бўлиши керак. Бу билан энг аввало, фуқаролар осойишталиги таъминланади, қолаверса, шаҳарни электр энергияси билан таъминловчи ташкилотларга ортиқча юкни ҳам камайтиради.

Яна бир муҳим масала. Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги қарорига асосан ҳар бир ташқи реклама объекти (конструкцияси) майдонидан келиб чиқиб, унда реклама жойлашганидан қатъий назар реклама жойи учун белгиланган тарифлар бўйича ҳар ойда йиғим жорий этилган. Ушбу йиғимнинг тақсимланиши қуйидагича: 45 фоизи — ташқи реклама объекти (конструкцияси) жойлашган (ўрнатилган) туман (шаҳар) бюджетига, 45 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига, қолган 10 фоизи — «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг теги-

шли бўлимларига.

Энди савол туғилади. Нима сабабдан бундай тақсимот белгиланди, уни қандай асослантириш мумкин? Реклама фаолияти соҳасида назорат функциясини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармасига ушбу йиғимларнинг салмоқли қисмининг ажратилиши қанчалик асосли ва тўғри? Бундай ҳолатда идоравий манфаатлар реклама фаолияти бозориди одил назорат ва соғлом рақобатни таъминлаш тамойилларидан устун бўлиб қолмайди? Бошқа давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаси ўрганилганда (Франция, Россия) айтишимиз мумкинки, назорат органи ҳисобига (Монополияга


қарши курашиш органи) реклама объектидан йиғиладиган тўловлардан бир фоиз ҳам маблағ олинмаслигини кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, сир эмас, ҳозирги кунда турли соҳаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларга катта юклар қўйилган. Бюджетга тушумлар мисқоллаб йиғиладиган бир шароитда ушбу қарор билан белгиланган йиғимларнинг фақат 45 фоизининг ўтказилиши адолатлими?

Ташқи реклама соҳасида келтирилган айрим муаммоли масалалардан ҳам кўриниб турибдики, қонуности ҳужжатларисиз тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларнинг қабул қилиниши нақадар муҳим. Қўмитамиз томонидан бу соҳани ўрганиш ишларини яна давом эттиришни ҳамда амалдаги “Реклама тўғрисида”ги Қонунга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни шакллантиришга келишиб олдик.

**Шухрат ШАРАФИДДИНОВ,**  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси  
депутати

**Ушбу кўш саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат ноғижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Фаровон ҳаёт қонун устуворлигида” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.**



Тест синовлари 2 сентябрдан бошланиши маълум қилинди. Август ойида эса тест синовлари ўтказиладиган жойлар тегишли жиҳозлар билан таъминланади.





**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН СУДНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШДА РАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ, АДОЛАТЛИ ВА ҚОНУНИЙ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ТАРАФЛАРНИНГ ТЕНГЛИГИ ВА ТОРТИШУВЧАНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИНИ АМАЛИЁТДА КЕНГ ҚўЛЛАШ МАҚСАДИДА 2020 йил 24 июлда «СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ОДИЛ СУДЛОВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида» ФАРМОН ҚАБУЛ Қилинди. УШБУ ҲУЖЖАТ СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ НАВБАТДАГИ МУҲИМ ўзгариш десак хато бўлмайди.**

# Инсон манфаатлари — асосий мезон

си, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари ташкил этилади.

Бундан ташқари, Судьялар олий мактаби Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш маркази тугатилади. Ушбу тугатиш ҳисобидан бўшаётган 9 та штат бирликлари Олий суд тузилмасида ташкил этилаётган Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасини шакллантиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари, бошқарма бошлиқларига нисбатан Олий суд судьялари учун белгиланган, Олий суднинг бошқарув ходимлари таркибига киритилган бошқа ходимларига нисбатан эса вилоят судлари судьялари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

Шундан келиб чиқиб, юқорида қайд этилган шартлар фақат муқаддам судьялик лавозимида ишлаган шахсларга нисбатан қўлланилиши, ушбу шахсларнинг шу лавозимларда ишлаган вақти судьялик стажига қўшилиши ва пенсия тайинлашда ҳисобга олиниши инobatга олинади.

2020 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Судьялар олий кенгаши, Олий суди, қуйи суд тизими судьялари, Судьялар олий мактаби ва уларнинг аппарати ходимлари, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари иш ҳақлари ва қўшимча тўловларини тўлиқлигича Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга ўтказилишини ҳамда иш ҳақлари миқдорларини оширилишини назарда тутувчи таклифлар қонунчиликка киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Молия вазирлиги билан биргаликда пенсия тайинланган ва судья сифатида ўз фаолиятини давом эттираётган шахсларнинг пенсиялари янги белгиланадиган судьялар меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини инobatга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилиниши кўзда тутилмоқда.

Ушбу ҳужжат суд мустақиллиги тамойилини яна бир қадам олдинга олиб чиқиш, судларда ишни кўриш амалиётини бирлаштириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар пировард мақсади инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилганини англатади.

**Илҳомжон САИДОВ,**  
**Қорақўл туманлараро**  
**иқтисодий суди**  
**судья ёрдамчиси,**  
**3 даражали юрист**

суди судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят иштини тугатиш, прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чақириб олиб ўрганиш, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бо-

ҳамда Савдо-саноат палатасининг Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркиби тузилиши мамлакатимизда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари таъминланиши учун кенг шароит яратмоқда.

Ушбу судлов таркибига инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар (кейинги ўринларда — йирик инвесторлар) ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати берилди.

Фармон билан инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, Қорақўлпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкинлиги белгиланди.

Судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида Олий суд бошқармалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига ҳисобдор бўлган, Олий суд раисининг тақдимномасига асосан Олий суд Пленуми томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари лавозими,

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқарма-

**Бундан ташқари, Судьялар олий мактаби Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш маркази тугатилади. Ушбу тугатиш ҳисобидан бўшаётган 9 та штат бирликлари Олий суд тузилмасида ташкил этилаётган Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасини шакллантиришга йўналтирилади.**

берилмоқда. Суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқи бекор қилинмоқда.

Жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш, апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш ҳам киритилмоқдаки, бу билан илгариги бир-бирдан қийинлашган тизимга содалаштириш киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий

шқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзгатишган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш каби тартиблар жорий этилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вазирлиги



Фармондан келиб чиқиб, суд тизимида 2021 йил 1 январдан бошлаб қатор ўзгаришлар амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Хусусан, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юришти турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақўлпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш. Шунингдек, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақўлпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш. Бунда Қорақўлпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қоллиниши назарда тутилган.

Амударё, Нуробод, Бойсун ва Пастдарғом туманлари иқтисодий судларини тугатиш ҳам фармонда ўз аксини топди. Фуқаролик ишлари бўйича Янгийўл туманлараро суди, Ургут, Сўх, Хатирчи, Пахтакор туманлари судларини, Пастдарғом туманлараро иқтисодий судини, жиноят ишлари бўйича Бўзатов, Тахиташ, Бандихон, Тупроққалъа туманлари судларини эса ташкил этиш режалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий малака ҳайъатининг ҳамда Қорақўлпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқи

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлар ҳар ойда маълум миқордаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарлари билан бепул таъминланади.





**Соғлиқни сақлаш вазирининг “Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш мезонларини тартибга солиш ва ретро-проспектив таҳлил ўтказиш тўғрисида”ги буйруғи асосида хусусий тиббиёт ташкилотларининг корона-вирусга чалинган беморларни даволаш билан боғлиқ фаолияти бўйича қатъий чоралар кўриш, шу жумладан, уларнинг лицензияларини бекор қилиш бўйича судларга даъво аризалари киритилишининг белгиланиши ижтимоий тармоқларда ҳанузгача қизғин муҳокама-ларга сабаб бўлмоқда.**

Воқеага қисқа ва лўнда изоҳ берадиган бўлсак, хусусий тиббиёт муассасалари уларга нисбатан адолатсизлик бўлаётганидан яъни “хусусий клиникаларда керакли асбоб-ускуналар йўқ, дори-дармон йўқ, улар нотўғри даволайди” қабилдаги муносабатларга ҳақли эътироз билдиришмоқда.

Эътироз асосли. Негаки, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида корона-вирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга

соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларини ривожлантиришни бир хилда рағбатлантирувчи шароитлар яратиш вазифаси белгиланганидан беҳабар бўлса?!

Ҳам депутат, ҳам тиббиёт соҳасидан чиққан мутахассис сифатида шуни айтишим мумкинки, дунё мамлакатлари бугун зўр бериб, хусусий тиббиётни ривожлантириш орқали малакали тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида соғлом рақобат муҳитини яратишга, бир сўз билан айтганда, “ақл-

“Мен 33 йил аввал “Doctor D” клиникасини ташкил этган ва шу ерда шунча йилдан буён раҳбарлик қилаётган фуқаро-ман, яъни хусусий клиника асосчиси ва раҳбариман.

Куни кеча ҳамма хусусий клиникалар раҳбарларини йиғиб “Қайси хусусий клиника Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан шартнома тузмасдан COVID-19 беморларни даволаган бўлса ва у жараёнда стандартларга риоя қилмаган бўлса”, лицензияларини суд орқали тўхтатиш тўғрисида огоҳлантирилган.

Клиникамиз шароити тўғри келмагани учун биз COVID-19 га чалинган беморларни даволамадик, лекин зудлик билан ҳамма хоналарга кислородли концентратор ўтказдик ва сунъий нафас олиш аппаратларини шайлаб қўйдик. Беморларни даволашга жой етмай, ходимларимиз касал-

мади. Ўлим тўшагида ётган беморларни кўтариб, хусусий клиникаларга олиб келишди. Ҳеч ким ёрдам қилмагани учун клиникалар беморларга қарашга, ётқизишга мажбур бўлди. Бизнинг клиникага ҳам “отам ўляпти, онам ўляпти, ёрдам беринг, доктор” деб ялиниб-ёлвориб, ўнлаб беморларни олиб келишди. Биз “шароитимиз йўқ, клиникада ҳомиладор аёллар бор” деб уларни қабул қилмадик, халқдан маломатларга қолдик.

Диагностика учун алоҳида кўчадан кирадиган қилиб махсус хоналар ташкил қилинди, 24 соатда касалликни аниқлашга ҳаракат қилдик, “Тез ёрдам” машинаси орқали фақат беморларга ёрдам бера олдик, холос. Мамлакатда бундай ҳолат юз берганда ҳамма қўлидан келган ёрдамни бериши керак эмасми? Врачларимиз онлайн консултация бериб, беморларни уйдан кузатиб турди. Нафас етишмовчилиги иккинчи даражага етган беморларни ҳам ётқиза олмадик. Кислород берадиган мобил қурилмаларни текин етказиб, вақтинча қўллаш учун беморларга бериб турдик. Шу вақтларда мутахассислар томонидан ҳам кўп нотўғри маслаҳатлар (масалан, “Плаквенил” қабули бўйича) берилди.

Энди тажриба ошди, CDC таржима қилинди, яқинда янги стандарт даволаш учун қабул қилинди. Аҳвол анча енгилашди. Қўнғироқлар камайди, барча вилоятларда, худудларда қўшимча койкалар тайёрланиб бўлди. Энди айбни хусусий клиникаларга ағдаришмоқчи.

Хусусий клиникалар ўғайми? Уларни ким ҳимоя қилади? Бошидан, яъни март ойида шунақа бўлиши мумкин эканлигини билар эдик, нега барча хусусий клиникаларга тавсиялар, қўлланмалар берилмади? “Хусусий клиникаларда керакли асбоб-ускуналар йўқ, дори-дармон йўқ, улар нотўғри даволайди”, деб айтилган. Давлат клиникаларида тўғри даволанилдими? У ерларда керакли ҳамма нарса бормиди?

Мен қайнотам мисолида аҳвол қандайлигини кўрдим. Қайнотам профессор, республикада кўзга кўринган, шу кунларда ҳам ишлаб келаётган олим эди. Ҳеч қаерда жой йўқ, қаерга телефон қилишмасин ҳеч иложи йўқ дейишарди, бир амаллаб клиникага ётқиздик. Дориларини, кислород концентраторини ҳам ўзимиз олиб бердик.

Қилинаётган терапиядан аҳвол яхшиланиш ўрни-

га ёмонлашавергач, доктор “уйга олиб кетинглар, бу ерда вафот этса, ўзлари кўмишадими”, деб қўрқитгач, уйга олиб келдик. Бечора қайнотам ўта оғир аҳволда уйга олиб келинди. Уйда CDC бўйича даволай бошладик, лекин вақт ўтиб бўлган, полиорган етишмовчилиги бошланган эди. Шунда ҳам тўрт кун курашдик, афсус...

Бизнинг клиникамизда ҳам ҳамширалар, врачлар касал бўлиб, ётиб қолди. Деярли ҳамма касалликка чалинди. Фақат онлайн тарзда уларни кузатиб даволаш жараёнини назорат қилиб турдик. Шундай пайтларда бу тизим раҳбарлари қаерда эди? Ўғай болани айбдор қилиш яхшими? Ҳамма боласини бирдек кўриш керак эмасми? Дўқ-пўписа қилиб, “лицензиянгни олиб қўяман” деб ишлайдиган замонлар ўтиб кетмадими? Ёки хусусий клиникалар давлатга фойда келтирмайдими? Ким уларни ҳимоя қилиши керак? Нега уларни ҳам лойиҳаларга қўшишмайди? Нега штаб ташкил қилинганда улар тақлиф қилинмайди, маслаҳатга чақирилмайди? Пандемия шароитида ҳамма жой фронтга айланади, бундай пайтларда барча тиббиёт соҳаси вакиллари каби биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшимиз керак, деб ўйлайман.

Менинг фикрим шундай, агар шунақа қўрқитиб иш юритилса, эртага юртимизда клиника қуришга, тиббиёт технологиясини олиб киришга битта ҳам инвестор келмайди. Аслида хусусий клиникаларга тўғри тавсиялар қилиниб, нега хатоликлар бўлганининг тагига етиб, чора кўрилса, тўғри бўлади. Бутун дунёда хусусий клиникалар асосий юкларини кўтаришади. Уларни ҳам рағбатлантириш керак, ахир. Яқинда ҳукумат томонидан бир гуруҳ шифокорлар рағбатлантирилди, лекин улар орасида бирорта хусусий клиника врачлари йўқ.

Бизнинг клиникамиз ташкил этилганига 33 йил бўлди. Бу йиллар ичида минглаб беморларга тиббий ёрдам кўрсатдик, даволадик, юзлаб операциялар қилинди, акциялар ўтказиб, қанчадан-қанча беморларга бепул ёрдамлар кўрсатганмиз. Шу 33 йил ичида бирорта ходимимиз, ҳатто, чойнакнинг қоқоғи билан бўлса ҳам мукофотланмади.

Вазирликни ислоҳ қилиш керак. Хусусий клиникаларга ҳам эътибор қаратилсин, уларни ҳам асраш ва авайлаш, равнақи учун ёрдам бериш зарур”.

**Дилмурод ЭРГАШЕВ,**  
“Doctor D” клиникаси  
раҳбари.

## Хусусий тиббиёт муассасалари “ўғай” ми?



ли тиббиёт” концепцияси асосида соғлиқни сақлаш тизимини одамлар учун қулай, мутлақо янги босқичга олиб

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан нодавлат тиббиёт ташкилотларига корона-вирус инфекцияси билан касалланган беморларга истисно тариқасида 2020 йилнинг 1 сентябрига қадар тиббий хизмат кўрсатишга рухсат берилган.

Пандемия деган бало барчанингда ҳаётга хавф солиб турган бир пайтда бундай ҳолатларнинг учраши кўнгилини хира қилади. Бу вазиятда инсон саломатлиги ҳар нарсадан устун эканлигини инобатга олиб, у давлат тиббиёт муассасаси ёки хусусий клиника бўладими, Соғлиқни сақлаш вазирлиги уларнинг бошини қовуштириб, ишни тизимли ташкил этиши лозим, деб ҳисоблайман. Вазирликнинг юқоридаги буйруғи эса бир хил вазифани бажарадиган тиббиёт тизимини икки ўзганга ажратиб юборди, десак, тўғри бўлади. Наҳотки, вазирликнинг тажрибали мутасаддилари “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида

чиқишга эътибор қаратмоқда. Шу маънода мамлакатимиз давлат тиббиёт тизими оғир аҳволга тушиб қолганда, унинг маълум “юки”ни ўз зиммасига олган нодавлат тиббиёт муассасалари вакиллари нисбатан “ўғай” муносабат қилинган ҳеч қандай мезонга тўғри келмайди. Бундан ташқари, хусусий клиникаларда тажрибали, юқори малакага эга бўлган врачлар, мутахассислар фаолият олиб бораётганини, ушбу масканларда энг замонавий тиббиёт технологиялари қўлланилаётганини унутмаслик керак.


Такрор бўлса-да, бир гапни айтиш ўринли. Хусусий клиникалар ҳам бошқалар қатори давлат лойиҳаларига ҳамда мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш жараёнларига қатнашишга тўла ҳақли ва бу ҳар томонлама ўзини оқлашига ишончим комил.

**Дилбар УСМОНОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

бўлиб танг ҳолатда қолинса, ўзимизнинг ишчиларга, яқинларимизга ёрдам беришимиз зарур деган мақсадда тайёргарлик кўриб қўйдик.

Орадан икки ойлар ўтгач, шунақа вазият бошланди. Кунига юзлаб кўнғироқлар бўла бошлади, “Тез ёрдам” келмаяпти, оғир беморларни ҳеч қаерга қабул қилишмаяпти, ёрдам беринг” деган гаплар бўлди. Бундай ҳолда нафақат биз, балки кўплаб бошқа клиникалар ҳам беморларни қабул қила бошлади. Докторлар ҳам одам, лекин улар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб қарашди. Уларда тажриба йўқ. Қўлида қўлланмаси йўқ, инглиз тилини билмайди, лекин ёрдам беришга ҳаракат қилишди, шу орада орамиздан бир неча докторлар вафот этди. Нега ўша пайтда буларга стандартлар етказиб берилмади? Нега шароит оғирлашганда клиникалар фаолияти мувофиқлаштирилмади? Ҳамма беморлар уйларида оғир аҳволда қолганда ТВ орқали ҳам беморларни координация қилса, бўлар эди-ку?

Вирус юқтирганлар таниш доктор ёки таниш ҳамширасини уйига чақириб ҳар хил керак-керакмас дорилар билан даволанишга мажбур бўлди. Чунки “Тез ёрдам” келмади, тақдим этилган телефон рақамлари жавоб бер-



Сирдарёда буг-газ электр станцияси қурилади.





Мактабда бор-йўғи икки марта (кичкина синфларда) калтак еганман ва иккала ҳолатни ҳам ҳозиргача унутганим йўқ. Биринчи ҳолатда мени уриш шундоғам шарт эмас эди, чунки айбимни тушуниб етиб, афсусланиб бўлган эдим. Агар мақсад менга шу ишни бошқа қилдирмаслик бўлган бўлса, мен у ишни бошқа қилмаслик кераклигини аллақачон тушуниб бўлган эдим. Иккинчи ҳолатда ёнимдаги ўқувчи билан тўполон қилиб ўтирган эдим. Тўғрироғи, тўполончироқ ўқувчи мени чалғитганига берилиб, бирга ўйнаб ўтирган эдим. Бир маҳал қаердандир бир шапалоқ келиб юзимга тегди ва кўзларимдан ўт чақнаб кетди. Дастлаб, нима бўлганини ҳам англай олмадим. Кейин менга қараб ўшқираётган ўқитувчини кўргач, гап нимадалигини тушундим. Ўша пайтда қулоқларим шанғиллаб, менга қараб турган синфдошларимнинг нигоҳларидан уялганимдан қизариб турар эдим.

# Калтак — Келажак Ушандаси



иб ўтарди. Дарса шовқин ҳам бўлмасди, барча ўқувчи дарса диққат билан қатнашар ва асосийси, мен ҳеч кимни урмас эдим.

Бир куни “ваҳшийликлар билан машҳур 11-синф”га дарса кирадиган бўлдим. У синфдаги ўқувчиларнинг гавдалари мендан анча катта бўлиб, хоҳласам ҳам уларни уролмас эдим. Мендан олдинги ўқитувчилар “эркаклик” қилиб, уларни уришга ҳаракат қилиб кўришган ва оқибатларига ўзлари гувоҳ бўлишган эди.

Мен дарса борганимда синфда шундай тўс-тўполон бўлаётган эдики, қандай ҳаракат қилсам ҳам уларни тинчлантиришим осон бўлмас эди. Эшик олдида турдим-да, ўқувчиларни кузатдим ва синфда кимлар қандай мавқега эга эканини таҳлил қилдим. Қарасам, синфдаги энг гавдали йигит барчага буйруқ беряпти ва тўполонни бошқаряпти. Уни олдимга чақирдим. У менга “Нима демоқчисан?” дегандай оҳангда минғирлади-да, ёнимга келди. Уни коридорнинг охирига олиб бордим-да суҳбатлашдим:

— Сен фалончи деган ўқувчимисан? (Кузатиб туриб, унинг исмини билиб олган эдим)

— Ҳа, менман, нима эди?

— Мен сени умуман бошқача тасаввур қилган эдим. Сен ўйлаганимдан бошқача бола экансан.

— Қанақа тасаввур қилган эдингиз?

— Менга сени аҳмоқ, ҳеч нарсага ақли етмайдиган, тўполончи, кучидан бошқа ҳеч нарса йўқ бола деб таърифлаган эди. Ҳозир сизларни кузатиб турдим. Сен туппа-тузук бола экансан. Гапларингни ҳам эшитдим, ақлинг ҳам жойида, ўзинг ҳам бақувват, келишган бола экансан. Нимага сени бошқалар бунақа дейди?

— Билмасам, устоз. Мен унақа бола эмасман.

— Ҳа, кўриб турибман. Одамлар гапираверар эканда. Ўзи бировнинг гапига ишониш керак эмас. Мен сенинг қанақа бола эканлигингни энди билдим. Шунинг учун мен бугундан

бошлаб сени ўзимга ёрдамчи қилиб тайинлайман. Мен сизларга дарса кирганимда сен менга ёрдамчи бўласан ва синфдаги тартиб-қоидага сен жавоб берасан. Қила оласанми?

— Ҳа, устоз, ҳаракат қиламан.

— Фақат битта шarti бор, бошқаларнинг тартибига жавоб беришдан ташқари сен ўзингнинг ҳам ўқишларингни яхшилашинг керак. Чунки, агар сен ўзинг ўқимайдиган бўлсанг, уларга гапиришингдан фойда йўқ. Сен уларга ўрнак бўлишинг керак. Келишдикми?

— Келишдик, устоз.

— Ҳозир синфга борда, ҳаммани тинчлантир. Мен беш минутдан кейин бораман.

— Ҳўп, устоз...

Беш минутдан кейин дарса кирганимда синф сув куйгандай жим эди. “Фалончи” синфдаги барча ўқувчиларни жойларига ўтириштириб қўйиб, менга фахр билан қараб турар эди. Мен унга нигоҳим билан миннатдорлик билдирдим-да, одатдагидай дарсимни ўтишга киришдим. У синфдаги дарсларим ҳам бошқа синфлардаги дарсларимдан кўп фарқ қилмади. Ўқувчилар дарсларни қизиқиш билан ўрганадиган бўлди.

Айтгандай, ўша синфдаги дарсларим пайтида синфдаги “ноодатий” жимликдан ҳам-касбларим ва мактаб директори ҳайрон бўлиб, эшикни очиб, “Ия, бу ерда сиз дарс ўтасизми? Буларни қандай қилиб тинчлантиридингиз”, деб сўраб кетган эди. Мен эса уларга фақат қилиш керак бўлган ишлардан ташқари, бошқа ҳеч қандай иш қилмаганимни, оддий педагогик методларни қўллаб ўз дарсимни ўтганимни

айтганим. Улар менга ишонишмади...

...Бизга университетда “Ёмон ўқувчи бўлмайди. Ёмон ўқитувчилар бўлиши мумкин”, деб ўргатган. Яъни агар ўқувчи ўқимайдиган бўлса, дарса кеч келадиган бўлса, тўполон қиладиган бўлса, хуллас рисоладагидай ўқувчи бўлмайдиган бўлса, демак, ўқитувчи ишини яхши қилмаган бўлади.

Ўқитувчилик касби оғир, шу билан бирга муқаддас касбдир. Ўқувчиларнинг эътиборини жалб қилиш, диққатини жамлаш, дарсларга қизиқтириш, уларга ўрганишга иштиёқ бериш учун ўқитувчилар актёр, шоир, қўшиқчи, сиёсатчи, илмий-тадқиқотчи, одил ҳакам, диққатли кузатувчи, тартиб ўрнатувчи ва ҳоказо касбларни маҳорат билан бажаришларига тўғри келади. Агар ўқитувчилар шундай ишламаса, уларнинг ишлари натижа бермайди.

Умуман олганда, шахсан мен калтакнинг педагогик тарафдан фойдасини кўрган эмасман. Чунки шундоғам ўқийдиган ўқувчиларни уришнинг кераги йўқ. Ўқимайдиган ўқувчиларни эса минг марта урсангиз ҳам фойдаси бўлмайди. Уриш — бу баданга озор бериш йўли билан ўқувчини кўрқитиш воситасидир. Тўғри, ўқувчи калтакдан кўрқади. Калтакдан ҳамма кўрқади. Лекин калтак диққатини жамлай олмагани учун уйга вазифаларни қилмай келадиган, йўлда бир нарсаларга чалиб кетиб, дарса кечикиб келадиган, дарс пайтида зерикиб бошқа ишларга берилиб кетадиган ўқувчиларга ҳеч қанақасига ёрдам бермайди. Аксинча, калтак ўқувчиларнинг руҳини ва гурурини синдиради, уларнинг ижодкорлик ва журъат хусусиятларини ўлдирди ва охир оқибат уларни ҳеч нарсдан тап тортмайдиган бетлари қалин инсонлар қилиб тарбиялайди.

Тасаввур қилинг, уриш қонун билан тақиқланган ва урган ўқитувчи камида 3 йилга қамалади. Агар шундай бўлганида ўқитувчилар сал эплай олмай қолганида дарров болани урмасдан, унга ўргатишнинг турли йўллари йўлаб топган бўлар эди. Урмасдан, эплай олмайдиганлар, яъни ўқитувчилик ўзига мос келмайдиганлар қамалиб кетмаслик учун ўзларидан билиб, соҳадан чиқиб кетган бўлар эди.

Бизларга калтакдан кўрқадиган кўрқоқ ўқувчилар эмас, балки ўқишга, ўрганишга иштиёқи баланд тўғри йўналтирилган ўқувчилар керак. Фақат шундай ўқувчиларгина келажакимизнинг буюк бўлишига кўрқмасдан ҳисса қўишлари мумкин.

Дониёр РЎЗМЕТОВ

Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондунинг “Жамият — ислохотлар ташаббускори” Давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланди.



Ундан кейин мактабни битиргунча мен яна минг марта тўполон қилгандирман, чунки ўқувчи тўполонга берилиб кетадиган бўлса, унинг эсига калтак келмайди. Лекин ўша сафар тўполон қилдирмасликнинг калтакдан бошқа педагогик йўллари мавжуд эди. Масалан, ўқитувчимиз мени ўрнимдан турғазиб огоҳлантириши, бурчакка кўйиши, тўполончи синфдошим билан иккаламизни бошқа-бошқа парталарга ўтказиб қўйиши мумкин эди.

Мен иккала ҳолатда ҳам ўзимнинг айбдорлигимни тўлиқ тан оламан ва улардан хафа эмасман. Чунки уларнинг иккаласи ҳам менга нисбатан ўша пайтда кенг тарқалган жазо усулини қўллашган. Аммо орадан йиллар ўтиб, ўзим педагогик таълим олгач, айтишим муминки, ўшанда ўқитувчиларимиз педагогик ҳатога йўл қўйганлар, чунки у калтаклар менинг тарбиямга ҳисса қўшмади десам ҳам бўлади. Аксинча, иккала ҳолатда ҳам мен ўзимни таҳқирлангандай, қадрим ерга урилгандай ҳис қилганман ва менда кўрқувдан бошқа ҳиссиёт пайдо бўлган эмас...

Бир синфдошимиз дарса кечикиб келар эди. Унга “кечкикиб келма” деб минг марта айтилса ҳам, барибир кеч келаверар эди. Ўқитувчиларимиз уни ҳар сафар уриб жазолар эди. “Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи” деганларидай неча марта калтак еган бўлса ҳам синфдошимиз кеч қолишни қанда қилмади ва бора-бора ўқитувчиларимиз учун уни уриш одатий машғулотга айланиб қолди. Ўқитувчиларимиз уни урганларида бу синфдошимизга ёқмаслиги ва унинг калтакдан кўрқиб туриши шундоқ кўриниб турар эди.

Бунинг устига бизлар бир синф ўқувчи бўлиб, пишган калладай бўлиб, унинг устидан кулишимиздан у ерга киргудай бўлар эди. Лекин афсуски, бу

“метод” барибир синфдошимизни кеч қолмайдиган қила олмади. Ўқитувчиларимиз ҳам унинг кечикиш сабабларини ўрганиш ва муаммони бошқа методлар билан ҳал қилишга уриниб кўрмасдан, охиригача уриб тўғрилашга ҳаракат қилдилар. Табиийки, барча ҳаракатлар бесамар кетди.


Мактаб йилларида ва ҳатто университетда ҳам ўқувчиларнинг, талабаларнинг минг марталаб калтакланганига гувоҳ бўлганман. Тўғри, қайта ва қайта калтак еганлари билан уларнинг ҳеч бирлари ўлиб қолгани йўқ. Лекин уларнинг билан уларнинг ҳеч бири одам бўлиб қолгани ҳам йўқ. Аксинча, калтак еявериш, омманинг олдида изза бўлавериш, уларнинг бетлари қотиб кетди. Кейинчалик уларнинг айримлари одам бўлган бўлсалар ҳам бу калтак туфайли бўлгани йўқ. Чунки, уриш бу қилинган ишга нисбатан жазодир. Ваҳоланки, муаммони ҳал қилиш учун фақат жазолайвериш эмас, балки уни чуқур ўрганиб, шунга қараб “муолажа” чораларини қўллаш керак бўлади...

...Тошкентда мен ишлаган мактаб энг кўп калтак ишлатиладиган мактаблардан бири эди. У ерда ўқувчилар қанчалик бетартиб бўлса, ўқитувчилар ҳам шунчалик қаттиққўл бўлишга ҳаракат қилар эди.

Ишга борганимда бошқа устозлар “бу ерда бешафқат бўлиш керак, буларни уриб қаттиққўллик билан ушлаб турмасангиз, булар одам бўладиган ўқувчилар эмас” деб маслаҳатлар берган эди. Мен уларга “болаларни уриш бефойда, уларни урмасдан, педагогик методлар ёрдамида дарслар ўтиш мумкин-ку”, десам, “Сиз ҳали иш бошлайверинг, ундан кейин гаплашамиз” деб жавоб бердилар.

Университетда ўргатилган методлар асосида дарсларимни ўта бошладим. Бахтимга дарсларим кутганимдан ҳам ажой-

Кимё ва биология бўйича миллий сертификатга эга ўқувчилар ОТМга киришда тестдан озод бўлади.





Кино санъатида Юрий Никулин ва Евгений Моргуновлар билан биргаликда қойилмақом ушшакни яратган актёрлардан бири, ўзбек томошабинларининг ҳам қадрбадан жой олган етук санъаткор, СССР халқ артисти Георгий Вициннинг ҳар бир ажро этган роли ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг юртимизда ҳам машҳур бўлишида дубляж ўстаси, севимли актёримиз Дилас Раҳматовнинг хизмати катта.

# “Ҳаёт жуда кўп вақтингизни олади”



Ҳаёт шундай синовлардан иборатки, бугун сен қанчалар кўкда бўлсанг, бир кун келиб, пастга тушсан. Вицин эса ҳаммаша халқ назарида, мухлислар ардоғида бўлган. Аммо умрининг сўнгги йилларида у одамлардан ўзини олиб қочган.

## Ёшлик сири

37 ёшида “Захирадаги ўйинчи”да 18 ёшли футболчи ролини ўйнаган Вицин 48 ёшида “Бальзаминовнинг уйланишида” 20 ёшли йигитчанинг ролини ўйнади. Қизиғи, 38 ёшида 70 ёшли чол ролини ҳам қойилмақом қилиб ўйнади.

Буларнинг сири битта эди — Вицин йога билан муттасил шуғулланарди. У кичкиналигида врачлар унга ҳеч қачон юрмайди, деб ташхис қўйишган. Онаси ўрмон мактабига олиб борган ва Вицин у ерда кичкиналигидан йога билан шуғулланган. Вицин доимо соғлиғига эътибор қилар, турли гиёҳларнинг дамламаларини ичарди.

## 90 йиллардан сўнг...

90 йиллардан кейинги ўзгаришларни Вицин қабул қила олмади. Унга бу давр умуман ёқмади. Бу давр одамларига ҳам қўшилгиси келмай қолди. Бу замонга мослашишни ҳам истамади. Умуман, кинога тушмай қўйди. Театрда биргина ролини қолдирди, бошқа спектаклларга бормади. Буларнинг ҳаммаси соғлиғига ҳам таъсир қилди ва умрининг охирида кўп касал бўладиган бўлиб қолди. У ўзини мажбурлаб, тўшакдан турарди: “Мен каптарларга дон беришим керак!”

Унинг машғулоти бир хил бўлиб қолди: ҳар куни каптарларга дон сочиш, дайди итлар ва мушукларга овқат бериш. Қушлар ҳам унга шунчалик ўрганиб қолишган эдики, Вицин уйдан чиқадиган пайтда унинг эшига атрофига минглаб қушлар, итлар ва мушуклар йиғилиб келар эди.

Вициннинг дафн маросимига келган қўшнилар қафасларда олиб келган

каптарларини озод қилишди, аммо қушлар учиб кетмади. Яна қаердандай дайди итлар, мушуклар ҳам пайдо бўлди. Битта каптар ўлиб қолди...

## Тарки одат — амримаҳол

Вицин болалигидан “китобхўр” бўлган. Кексайиб қолганида ҳам доимо уйга янги китоблар кўтариб келган. Кино олинаётган шаҳарлардан ҳам Вицин боғламбоғлам китоблар олиб келган.

Вицин, ҳатто, сўнгги кунларида касалхонада ётиб ҳам китоб ўқиш одатини тарк этмаган.

Вициннинг вафотидан кейин унинг уйида таъмир ишлари кетаётган вақтда келган журналистлар уйдаги устани лақиллатиб, Вицин йиллар давомида йиққан қимматли китобларнинг катта қисмини ҳамда Натальянинг болаликдаги суратлари солинган папкани олиб кетиб қолишди. Камига Натальяни отасининг архивдаги нарсаларни ахлатхонага чиқариб ташлаганида ҳам айблашади.

Натальяга “Отангизнинг қабрини сотмоқчи бўлаётганингиз ростми”, деб савол беришганига нима дейсиз?

## Машҳур ушшак

Одамларнинг оммавий ғарбга интилишларини ҳажв қилиш, ишламай, бойиш орзусидаги одамлар устидан кулишни ният қилган Леонид Гайдай ана шу оламшумул ушшакнинг “ихтирочиси”дир. 1961 йилда «Барбос ва ғалати кросс» ва “Самогончилар” фильмлари катта экранларга чиққандан кейин бу ушшак машҳур бўлиб кетди ва томошабинлардан улар иштирокидаги фильмларнинг давомини олиш илтимос қилинган қошлаб хатлар олган Гайдай бир неча фильмларда уларни “ишлатди”. Бошқа режиссёрлар ҳам “учлик”нинг хизматидан баракали фойдаланишди.

Ушшак — “Кўрқоқ”, “Валакисаланг”, “Қария” (Трус, Балбес ва Бывалый) ларнинг “эгалари”дан фақат биттаси синовсиз ролга олинган: Ви-

цин. “Балбес” ролига Сергей Филиппов ҳам синаб кўрилган. “Бывалый” ролига Иван Любезнов, Михаил Пуговкинлар синаб кўрилган. Ушшакнинг энг ёши Моргунов (1927), энг “отахони” Вицин бўлган.

“Учлик” кейинчалик “Кавказ асираси”, “Етти қароқчи ва бир қиз”, “Бу фавкулоддаги созандалар ёки Шурикнинг янги тушлари”, “Ўтган кунлар комедияси” каби қатор фильмларда суратга тушишди.

“Учлик” билан ҳамкорликда “Бремен созандалари”, “Бремен созандалари изидан”, “Янги Бременчилар” каби бир қанча мультфильмлар ҳам ишландики, уларда “Учлик” иштирокчиларининг ўзлари овоз беришди. “Учлик” иштирокида “Мульт-Пульти мамлакатидagi саргузаштлар”



овозли мусиқали спектакли ёзиб олинди ва пластинкалари 1982 йилда катта нусхада сотилиб кетди.

“Учлик” Моргунов Гайдай билан келишмай қолгач, кинода бирга тушишмаган. Эпизодлардагина тушишган, аммо бошқа режиссёрларнинг ишида, хусусан, Э.Рязановнинг фильмларида. Улар бир қанча янги йил карнавалларида “Голубой огонёк” деб номланувчи кечаларда, кўплаб концертларда юмористик чиқишлар қилишган.

“Учлик” ҳар икки йилда биттага камай борди: 1997 йилда Никулин вафот этди. СССР халқ артистига у ишлаган цирк олдида халқ тўплаган пулга ҳайкал қўйилди.

1999 йилда Моргунов вафот этди. Россияда хизмат кўрсатган артистнинг дафн маросимида бирорта ҳам расмий ё жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этмади. Қабр тошини хотини қўйдирди.

2001 йилда эса Вицин дунёдан ўтди. Дафн маросимида хотини, қизи, бир неча қўшниси қатнашди, холос. Қолган дўстлар, ҳамкасблар суратга олиш ишлари, тақдимот маросимлари билан “банд эдилар”. СССР халқ артистининг қабрига ҳайкал ҳам қўйилмади, яшаган уйига лавҳа ҳам осилмади.

Аммо “Учлик” халқ қал-

бидан абадий жой олишга улгурди. “Учлик” қиёфалари жуда кўплаб янги фильмларда, спектаклларда, КВНчилар ва қизикчиларнинг чиқишларида такрорланмоқда.

“Учлик” ҳақида “Кувноқучлик — Вицин, Моргунов, Никулин”, “Севимли ҳажвчиларимиз” каби китоблар ёзилган. “Учлик”ка ҳайкал ҳам қўйилган. Айтганча, учликдагилар ҳаётда ҳам ролига яқин эдилар: Вицин тортинчоқ, Никулин “ҳамиша баҳор”, Моргунов эса кўрс ва жанжалкаш.

Охири — 1990 йиллардан кейин Вицин машҳур учлик таркибиде мамлакат бўйлаб кўп гастролларга чиқди. Аммо сафдошлари вафот этгач, Москва марказидаги катта квартирасини севимли қизи Натальяга бериб, ўзи “Хрущёвка” деб аталадиган кичик квартирага кўчиб ўтди ва ўта камтарона яшади. Шундан кейин одамлар уни кам кўрадиган бўлишди. У ўзини журналлардан олиб қочарди. Доимо уйдан чиқмас, фақатгина каптарларга дон сочиш учунгина ташқарига чиқарди. Ночорликда умри поёнига етган Вицин одамлардан ёрдам сўрамаган, берилган эҳсонларни ҳам олмаган. “Ахир ўзлари ҳам сўнгги имкониятларидан ҳадақ қилишяпти-ку?”

Вицин 84 ёшида юрак ва жигар касалликлари асорати билан вафот этди.

## Вицин севган иборалар:

“Менга бефарқ бўлган одамларга доимо дўстона муносабатда бўлман”.

“Виждонли одам ҳамиша оддий бўлади”.

## Вицин қахрамонларининг “қанотли” иборалари:

“Бу кимнинг туфлиси? И-е, меники-ку... Раҳмат!” (“Ы операцияси”)

“Кўзингни оч, мен тирикман!” (“Тузалмайдиган ёлғончи”)

“Яшаш яхши!” (“Кавказ асираси”)

Умуман, Вицин афоризмлар ва қизик ибораларни йиғишни яхши кўрган. Масалан, “Трамвайда ёзилган, бошингни чиқарма!” деган иборани кўп ишлатган. Охири интервьюсида айтган ибораси бундай бўлган: “Кўп қуйиб-пишманг, барибир ҳаёт жуда кўп вақтингизни олади”.

Дилбар МАҲМУДОВА тайёрлади.

Туғилган вақти: 1917 йилнинг 5 (18) апрель.

Вафоти: 2001 йил 22 октябрь. Москва.

Машҳур роллари: “Кўрқоқ”, Сэм (“Ишбилармон кишилар”), Бальзаминов (“Бальзаминовнинг уйланиши”), сэр Эндрю (“Ўн иккинчи кеча”), “Хмырь” (“Омад жентльменлари”), Сеҳргар (“Энг қадимги эртақ”), Игнатий (“Санников ери”), сартарош Тютюрин (“Тузалмайдиган ёлғончи”), Чоколов (“Ҳаёт учун хавфли”) ва бошқалар. Аммо у ҳатто фамилияси ҳам кўрсатилмаган фильмларда тушган эпизодик роллари билан ҳам машҳур.

Охири роли: Генрих Янович (“Хаги-Трагер”, 1994).


Энг қизиғи: умрида ичмаган, чекмаган, йога билан шуғулланган Вицин томошабинлар хотирасида маст кишиларнинг қиёфасида сақланиб қолди.

Бошқа қобилиятлари: ноёб овозга ҳам эга бўлганидан кўплаб мультфильмларда овоз берган ҳамда дубляжда ҳам кўп иштирок этган. Киноактёрликдан ташқари сурат чизиш, ҳайкалтарошлик билан ҳам шуғулланган, кўпгина актёрларга карикатуралар чизган.

Мукофотлари: Россияда хизмат кўрсатган артист (1959), Россия халқ артисти (1977), СССР халқ артисти (1990)

Турмуш ўртоғи: Тамара Фёдоровна (1925 — 2009. Мичуриннинг жияни).

Қизи: Наталья  
Транспорти: Трамвай. У машина минмаган. “Инсоният кашф қилган нарсалар ичиде энг бемаъниси — машина”, деган.



Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги Имом Мотуридид халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилади.



# СЎХ ТУМАНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНИШ АРАФАСИДА

Сўлим Фарғонанинг Сўх туманини ривожлантириш бўйича давлатимиз раҳбарининг қарори қабул қилинди. «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор туманнинг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизациялаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, саноат салоҳиятини янада ошириш, қишлоқ хўжалиги, сервис ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш ҳисобига туман аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида қабул қилинди.



қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш эса ҳар доимгидай бош мақсадлардан бири.

Шунингдек, қарор билан Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланган.

## “Ҳар бир ёшга бир гектар”

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси бўйича ишсиз юрган ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги ҳар бир фермер хўжалигига 1 нафар ёшни бириктириб, унга ғалладан бўшаган ерларни бериш ва такрорий экин экишига кўмаклашиш топшириги берилган эди. Хўш, бу борада туманда ўтган давр мобайнида қандай ишлар амалга оширилди ва айти пайтда нима ишлар қилинмоқда?

“Сўх туманида 2020 йилда ғалладан бўшаган ер майдонларини такрорий экинлар экиш учун ишсиз ёшларга вақтинча бириктириб бериш

тўғрисида” туман ҳокимининг фармойиши ҳам эълон қилинган. Бугун туман сектор раҳбарлари бошчилигида, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сўх туман Кенгаши, бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда туман қишлоқ хўжалиги бўлими ҳамкорлигида 2 сектор ҳудудида жойлашган “Сўх” ширкат хужалиги ҳисобида бўлган ер майдонлари “Истиқлол”, “Навобод”, “Ровон”, “Офтобру” маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 30 нафар ишсиз ёшга 10-15 сотихдан жами 4 гектар серҳосил ва унумдор ер майдонлари ажратиб берилди.

— Туманнинг фақат 2 сектори ҳудудидан бугунги кунга қадар 46 нафар ёшга ер ажратилди, — дейди туман прокурори, иккинчи сектор раҳбари Ф.Абдувалиев. — Бу иш шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Бугун уларга амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда

— Сўх тумани ёшлари бандлигини таъминлаш мақсадида ширкат хўжалиги ҳудудига туманимиз ҳокими Сайидбахром Сайидмусеов бошқа секторлар раҳбарлари билан келиб, бизга ер тақсимлаб беришди, — дейди бугун ерга эгалик қилган ёшлардан Дилшод Бобосайдов. — Бундай эътиборга нисбатан биз ёшлар ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб, ўзимиз ва халқимиз дастурхонини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдиришга бор куч-гайратимизни бахш этамиз.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Сўх тумани Кенгаши

маълумотида кўра, 1 сектор таркибига кирувчи “Тул” ва “Соҳибкор” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидан 2019-2020 ўқув йилида Сўх агросаноат касб-хунар коллежининг 50 нафар битирувчиларига “Озод” ширкат хўжалигидан ижара шартномаси асосида 50 сотихдан 1 гектаргача ер ажратиб берилди. Бугун 96 нафар ёшларнинг ер бериш орқали бандлиги таъминланишига эришилди.

## Мурожаатлар эътиборда

Коронавирус пандемияси даврида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш амалиёти бевоқифа туман ҳокими иштирокида олиб борилаётгани ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмаётганидан дарак беради. Хусусан, туман ҳокими номига “Зангат” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Додомирзо Нишоннов номидан яшаётган уйини таъмирлаш масаласида мурожаат келиб тушган.

Ушбу оилада 6 жон яшайди. Оила бошлиғи ишсиз мақомида. Лекин маҳалла фуқаролар йиғини томонидан хонадонга озиқ-овқат маҳсулотлари, ун ва ёғ етказиб берилди. Яқинда миллий гвардия ходимлари томонидан фуқаро яшаётган уйнинг том қисми шиферлаб берилган. Шунингдек, ушбу оилага субсидия асосида иссиқхона ҳам тақдим этилган.

Ҳудуд аҳолиси билан учрашувга келган туман ҳокими томонидан давлат хусусий-шерикчилиги асосида маҳалла маъмурий биноси ва гузар қурилиши, энгил конструкцияли сартарошхона, қассобхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси ва бошқа аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этиш таклифи ўртага ташланди.

Шунингдек, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида берилган моддий ёрдам ҳақида ҳам тушунтиришлар берилди.

— Иш ўрни яратаман, маҳалладошларимни ишга жалб қиламан ва шу тариқа тадбиркорликнинг ривожига ўз ҳиссамни қўшаман деган фуқаро

Бу билан 2020-2021 йилларда Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Замонавий рақобатбардош саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил этиш ва уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, хизматлар соҳасини ривожлантириш, тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ана шу дастурдан ўрин олган. Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, соҳада фойдаланилмаётган ва фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш, ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш, чорвачилик, шу жумладан, паррандачилик ва балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга, аҳолининг уй-жой маиший шароитларини яхшилашга, соғломлаштириш ва маданий ҳордиқ чиқаришини ташкиллаштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, туман марказини ободонлаштириш эса кўзда тутилган мақсадларнинг кенг

қамровилигидан далolat.

Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт соҳаси ва педагог ходимларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш, туманда олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш,



таълим ва тиббиёт хизматлари сифатини оширишга қаратилган эътиборни ҳам юқори сифатга олиб чиқиш кутилмоқда. Аҳолини ижтимоий

таълим ва тиббиёт хизматлари сифатини оширишга қаратилган эътиборни ҳам юқори сифатга олиб чиқиш кутилмоқда.

“Сўх туманида 2020 йилда ғалладан бўшаган ер майдонларини такрорий экинлар экиш учун ишсиз ёшларга вақтинча бириктириб бериш

Ушбу оилада 6 жон яшайди. Оила бошлиғи ишсиз мақомида. Лекин маҳалла фуқаролар йиғини томонидан хонадонга озиқ-овқат маҳсулотлари, ун ва ёғ етказиб берилди. Яқинда миллий гвардия ходимлари томонидан фуқаро яшаётган уйнинг том қисми шиферлаб берилган. Шунингдек, ушбу оилага субсидия асосида иссиқхона ҳам тақдим этилган.







роларга ҳар томонлама ёрдам берамиз, — дейди туман ҳоқими. — Енгил конструкцияли шохобчалар ҳам туман ҳоқими қарори асосида вақтинчалик фойдаланишга берилади, имкониятлардан самарали фойдаланиш керак. Маҳалла ободончилигига ҳам беварқ бўлмайдик.

Айтиш мумкин, бугун ҳар бир мурожаат коронавирус пандемияси даврида ҳам эътиборсиз қолмаяпти. Чунки мурожаат — фуқаро мурожаати. Фуқаро эса халқнинг бир бўлаги. Лекин яна бир асосий нарсани унутмаслигимиз лозим — ҳар бир фуқаро бериладиган моддий ва бошқа турдаги кўмакларга берилмасдан, ўзи ҳам ҳаракат қилиши, боқимандаликка барҳам бериши — камбағалликнинг қисқаришига олиб келишини англаши лозим.

### Ободлик ва бунёдкорлик

Олис Сўҳда анклав ҳудуд бўлишига қарамай, ижтимоий ҳаёт анча ривожланган. Бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари эса жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Нафақат дастурга киритилган қишлоқлар, балки ҳали қирмаган маҳаллаларда ҳам халқнинг кучи билан ободлик ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

“Ҳазрати Али” маҳалла фуқаролар йиғинидаги саховатпеша инсонлар кўмагида маҳалла биноси ёнида умумий қиймати 150 миллион сўмни ташкил этган янги замонавий мажлислар зали қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Барча ишлар, қурилиш ва мажлислар залини безатиш ишлари саховатпеша ҳомийларимиз томонидан амалга оширилди, — дейди маҳалла раиси Субҳонали Нишоннов. — Кўрсатилган ёрдам ва кўмаклар учун барча ҳомийларимизга миннатдорлик билдираман.

Олис ва чекка ҳудудларда давлат идоралари учун қуриб берилаётган бу каби замонавий иншоотлар замирида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқ учун хизмат қилиши керак”, деган эзгу ғоя бугун амалда ўз ифодасини топаётганидан далолат.

Қурбон ҳайити меҳр-муруват, ўзаро оқибат, ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва одамийлик,

инсонпарварликдек хислатларни намоён этиш байрамидир. Байрам асли хурсандчилик ва шодмонлик айёмини билдирадиган тадбир саналади. Бошимизга синовли кунлар тушган бир пайтда бутун Ўзбекистон аҳли ушбу байрамни оила даврасида, эзгу тилак ва дуолар ила ўтказди. Хайр ва саховат амаллари ҳам айна шу кунларда кенг қулоч ёяди.

Бундай инсонпарварлик меҳр-муруватдан сўхлик ватандошларимизнинг ҳам баҳараманд бўлгани Президентимизнинг Сўх туманига бўлган эътиборининг нишонасидир. Сўх туманига ҳам кам таъминланган ва ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш учун 400 миллион сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағ бугун секторлар кесимида бевосита секторлар раҳбарлари, мутасадди идоралар вакиллари иштирокида рўйхати шакллантирилган фуқароларга тарқатиб берилди.

**Туманнинг тўртта сектори кесимида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида 800 нафар кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз фуқаролар ва ногиронларга бир марталик моддий ёрдам маблағлари етказиб берилди. Бундай хайрли амаллар саховатпеша инсонлар томонидан ҳам амалга ошириляётир.**

Бугун туманда барча мутасаддилар бир ёқадан бош чиқариб, халқни рози қилиш учун интилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қарори тез орада ўз самарасини бериб, ҳудуд аҳолиси жонига янада оро кириши шубҳасиз.

**Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
“Жамият” мухбири

**Бундан бир неча кунлар олдин “Калтак Бяна тиббиётнинг етим бўғини бошида синадимми?” сарлавҳали мақола эълон қилган эдим. Унда мураккаб эпидемиологик шароитда тиббиётда иш ташкил қилиш муаммолари, бирламчи бўғиндаги ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар ҳақида сўз борган эди. Бугун мана кўриб турибмизки, соғлиқни сақлаш тизимида муаммо яна ўша эски усул, яъни “етимларни жазолаш” билан ҳал қилинмоқда.**

керак бўлган умумий амалиёт врачлари меърдан бир неча баравар ортиқ аҳолига хизмат қилаётгани, пандемия даврида уларга яна янги вазифалар юклангани билан ким қизиқди? Уларнинг ҳимоясини ким ўйлади? Азбаройи етишмовчиликдан ҳамма соҳаларда 60 ёшдан ошган ходимлар масофадан ишлашга ўтказилганда, соғлиқни сақлашда нафақаданги врачлар ишга жалб қилинмоқда. Ишни тўғри ташкил қилиш учун илғор давлатлар

## Ҳисобот эмас, аҳоли розилиги муҳим

Коронавирус бутун дунё тиббиёти учун жиддий синов бўлмоқда, соғлиқни сақлаш тизими биздан анча яхши таъминланган, тиббий ходимларнинг ҳимояси, моддий таъминоти бизга нисбатан бир неча баробар баланд бўлган давлатларда ҳам саросима ҳолатлари юзага келди, афсуски, беморларнинг ҳаммасини ҳам сақлаб қолишни иложи бўлмади.

Президентимиз томонидан коронавирუსга қарши чора-тадбирларни ташкил қилишда йўл қўйилган хатоликлар танқидига соҳа мутасаддилари мавжуд шароитда ҳолатни имкон даражасида назоратда ушлаб турган раҳбарларни лавозимидан озод қилиш билан жавоб берди. Бу тадбир аҳоли саломатлигини сақлашга қанчалик ёрдам берар экан?

Ҳар қандай жабҳада хатоликлар тизимли юз берса, демак, айб алоҳида шахсларда эмас, балки тизимдаги камчиликда эканлиги ҳаммага аён. Аҳволни яхшилаш ниятида эканмиз, нима учун тизимдаги ҳолатни, аҳолида норозилик туғдираётган камчиликларнинг сабабларини ўрганиш, ечим топиш эмас, балки осонгина “калла кесиш”га ўтамиз? Соғлиқни сақлаш тизими бошқалардан фарқли жойи, бу соҳада раҳбарлик қилиш учун, албатта, нафақат тиббиёт йўналишида етарли тажриба, балки аҳоли билан ишлаш, кадрларни тўғри танлаш, дунёдаги тиббиёт соҳаси янгиликларидан доимий хабардорлик талаб қилинади.

Хўп, яхши раҳбар бўлиш учун нима халал беришини ҳам кўриб чиқайлик. Аввало, тизимга тааллуқли меъёрий ҳужжатларнинг қўлиги, йиллар давомида эътиборсиз

қолгани учун ночор ҳолатга келиб қолган моддий база, қисқартиришлар натижасида камайиб кетгани сабабли ўз вазифасини бажара олмай қолган штат бирликлари, бирламчи



**Президентимиз томонидан коронавирუსга қарши чора-тадбирларни ташкил қилишда йўл қўйилган хатоликлар танқидига соҳа мутасаддилари мавжуд шароитда ҳолатни имкон даражасида назоратда ушлаб турган раҳбарларни лавозимидан озод қилиш билан жавоб бердилар. Бу тадбир аҳоли саломатлигини сақлашга қанчалик ёрдам берар экан?**


бўғинда врачлар етишмаслиги. Кечаётган пандемия бирламчи бўғиннинг ночор ҳолатини янада қийинлаштириб қўйди.

Коронавирუსга қарши курашаётганлар деганда ҳаммамизнинг кўз олдимизга ҳимоя кийимида беморларга шифо улашаётган тиббий ходимлар келади. Лекин инфекциянинг имкон даражасида жиловланишига катта ҳисса қўшаётган фронтнинг олди чизигидаги умумий амалиёт врачлари, патронаж ҳамширалари негадир эсланмайди. Шифохонадаги врач аниқ қандай касаллик билан курашаётганини билади, поликлиника ва ҚОПлардаги тиббий ходимлар қандай касалликка дуч келишларини ҳам билмайдилар. Иш вақти олти соат бўлган ҳамшира бугун қандай меҳнат қилаётгани, меъёр бўйича 2-2,5 минг аҳолига тиббий хизмат қилиши

тажрибаси ўрганилиб, бизнинг шароитимиз ва имкониятимизга мослаштириб амалга татбиқ қилинми? Аҳолидан тест олинишдаги қийинчиликлар, шифохоналарда ўрин етишмаслиги, дори-дармон қимматлашувига ҳам бирламчи бўғин айбдорми? Коронавирუსни даволаш бўйича кўрсатмалар бир неча марта ўзгартирилди, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ўзгартирилди, ана шу буйруқлар асосида иш ташкил қилганлар энди айбдорми? Касалликни эрта ва тўғри аниқлаш учун поликлиника врачларининг ҳар бирига пульсоксиметр берилиб касалликнинг оғирлик даражаси бир зумда аниқланиши мумкин эди-ку!

Жангга қирган саркарда ра олмаса, аскар жазоланадими? Биз ёмон деб бир қатор раҳбарлардан воз кечдик, хўп. Энди энг муҳим савол: бугунги мураккаб ҳолатда тиббий-ижтимоий муаммони таҳлил қиладиган, тўғри қарор қабул қила оладиган, юқоридагиларга “чиройли” ҳисобот тайёрлаш учун эмас, аҳоли розилиги учун ишлайдиган фидойи раҳбарлар захираси мавжудми?

**Мақсуда ВОРИСОВА**



Сўхликлар жорий йилда ер ва мол-мулк солиғидан озод этилади.



# Соҳибқирон даври дипломатияси

**Бугунги кунда, юртимизда улғ аждодларимизнинг меросларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг аввалида Амир Темур ҳазратлари туради.**

Тадқиқотчиларнинг эътирофи этишларича, Амир Темур дастлабки сиёсий фаолиятдан то вафотига қадар ўз қудратининг ўндан тўққиз қисмига дипломатик салоҳияти туфайли эришган. Соҳибқироннинг ворислари Мироншоҳ Мирзо, Улғбек, Шоҳрух, Хусайн Бойқаро, Бобур каби йирик давлат арбоблари ҳам чиқи ва ташқи алоқаларда соҳибқирон бобосининг дипломатки йўллари, тутумларига амал қилишиб, унинг бу борадаги сиёсати таянишган. Тинчлик, томонлар манфаатдорлиги, рақибга шафқат қилиш ва унга катта имкон яратиш, ҳар қандай оғир шароитда ҳам элчини қадрлаш, ташқи сиёсат ва дипломатия қондаларига қатъий амал қилиш, инсон ҳаёти дахлсизлиги Амир Темур ташқи сиёсатининг ва дипломатиясининг асоси ҳисобланган. Чунончи, Амир Темур мактубларидан бирида, “Элчиға ўлим ва бандиикл йўқдир, элчининг гарданидаги вазиға буйруқни аниқ етказишдан бошқа нарса эмасдир”, деб ёзди.

Амир Темур ташқи сиёсати ва дипломатиясининг ўзига хос томонларидан яна бири, у, бир халқни иккинчи бир халққа, бир динни бошқа бир динга, бир мафқурани ўзга мафқурага қарши қўймай, ҳар икки зиддиятли томонларнинг манфаатларини ифода этадиган муаммонинг ижобий ечимини ҳамда улар ўртасидаги тараққиёт йўлини топишни асосий масала деб билган. Манбаларнинг маълумот беришича, Амир Темур дипломатик муносабатларда ташаббус кўрсатиб, халқаро алоқаларни ривожлантиришга интилган. Унинг ташқи сиёсати ва дипломатияси тинчлик ва тенглик, доимо рақибга ён босиш, диний ва дунёвий бағрикенглик ғояларига асосланган. Амир Темурнинг қарашларига кўра, инсон ирқи, дини, миллати, келиб чиқиши ва қарда яшашидан қатъи назар, ер юзининг барча ери ҳамма инсон учун муқаддас бўлмоғи керак.

Соҳибқироннинг ташқи сиёсати ҳамда дипломатия борасидаги бағрикенглик ва инсонпарварлик фазилатлари Хоразмдаги сўфийлар сулоласи – Юсуф сўфи, Олтин Ўрда хони Тўхтамиш, Миср хукмдори Фараж, туркия султони Боязид кабилар билан бўлган му-



носабатларида ҳам яққол кўзга ташланади. Таъкидлаш жоизки, Амир Темурнинг кучли ва пухта дипломатик салоҳияти туфайли, динлар, мафқуралар, иқтисодиётлар, сиёсатлараро муносабатлар замон талаблари ҳамда вазият тақозоси даражасида йўлга қўйилган.

Маълумки, Амир Темур мураккаб тарихий шароитда ташқи сиёсат олиб борган эди. Чунки, ўша аврдаги вазият, яъни, Чингизий мўғулларнинг хавфи кучли эканлиги, Чинга-той улусини бирлаштириш ва эгаллик қилиш, Хоразм, Олтин Ўрда, Мўғулистон, Эрон, Хурросон каби ўз даврининг кучли давлатлари билан муносабатлар масалаларида давлат манфаатларига мос ташқи сиёсат юргизишни тақозо этарди. Амир Темурнинг ташқи сиёсатидаги устувор мақсади – оқибатли қўшничилик, тенгчилик ва ҳамкорлик бўлиб, Хоразм устига бир неча юришлар ва Урганчининг вайрон этилиши суфийлар сулоласининг узоқни кўрмай юритган сиёсати натижаси эди. Чунки суфийларга узоқ вақт катта имкониятлар яратилган эди.

**Амир Темурнинг ташқи сиёсатидаги асосий йўналишлардан бири – Мовароуннахрнинг хавфсизлиги таъминлаш бўлган. Хоразмдаги сўфийлар сулоласи, Форс вилояти ҳокими Шоҳ Шужоъ, Озарбойжон ҳокими Тахуртан, Мўғулистон ҳокими Қамариддин, Олтин Ўрдадаги Тўхтамишхон, Оқ ўрдадаги Темур Малик кабилар билан бўлган муносабатлар замирида ҳам ана шу мақсад ётарди.**

**Амир Темур ўз даврида Франция қироли Карл тўртинчи, Англия қироли Генрих тўртинчи ва Кастилия ва Леон қироли Генрих учинчи Де Тарстомарлар билан ҳам алоқалар ўрнатиб, ёзишмалар олиб боради. Бу муносабатлар даставвал Туркия устига юриш муносабати билан бошланган бўлса-да, ғалабадан сўнг Ғарбий Европа мамлакатлари билан бўлган алоқаларнинг мазмуни тубдан ўзгарди.**

Тадқиқотчиларнинг эътирофи этишларича, Амир Темур манфаатлари муштарак, маданиятлари ва динлари умумий бўлган икўшни давлатларни тобеъ қилганлигини, жорий подшоликлар билан оралиқ давлатларни куч ёки дипломатия билан эгаллаганлигини эътироф этадилар. Итоаткорлик, тўланган солиқ ва божлар эвазига Соҳибқирон уларга ёрдам ва ҳарбий муҳофаза ваъда қилиб, ўз ҳолларига қўйиб берган. Усмонли туркларининг қўшниси Озарбайжон, туркман амирлиги, Грузия, қошғар, Ҳиндистон кабилар бунга мисол бўла олади. Ушбу қарам ёки иттифоқдош давлатлар атрофида Рус ерлари, Олтин Ўрда, Туркия, Суррия, ағдод султонлиги, Деҳли султонлиги, Хитой каби кучли ташқи подшоликлар турган.

Амир Темурнинг Европа давлатлари билан олиб борган ташқи сиёсати ҳам эътиборга сазовор. Чунончи, Боязид-

дан енгилган Кичик Осиёдаги майда султонликларнинг ҳоким ва амирлари Темурдан мадад истаб, унинг Қорабоғдаги ўрдагоҳига бориб қарор топадилар. Византия ва Генуя ҳокимликлари ҳамда Султония шаҳрининг католик миссионерлари нажот сўраб Соҳибқиронга мурожаат қилдилар. Шунингдек, Бяозидга қарши биргаликда зарба бериш мақсадида Византия императорининг Константинополдаги ноиб Иоанн Еттинчи Палеолог ва Генуянинг Перадаги (Константинополь яқинида) ҳокими Тарбзон ва Константинополнинг ҳарбий кемаларидан фойдаланишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда у Генуя ва Венецияга совға-саломлар ҳамда мактублар билан Ватикан вакили Иоанн Галошичонтибус бошчилигидаги элчиларни юборди.

Амир Темур ўз даврида Франция қироли Карл тўртинчи, Англия қироли Генрих тўртинчи ва Кастилия ва Леон қироли Генрих учинчи Де Тарстомарлар билан ҳам



алоқалар ўрнатиб, ёзишмалар олиб боради. Бу муносабатлар даставвал Туркия устига юриш муносабати билан бошланган бўлса-да, ғалабадан сўнг Ғарбий Европа мамлакатлари билан бўлган алоқаларнинг мазмуни тубдан ўзгарди. Эндликда, Темур улар билан дўстона муносабатларни муштақамлаш ҳамда элчилик ва ўзаро савдо-сотик алоқала-


рини йўлга қўйиш каби масалалар билан чекланади. Э шу мақсадда Франция ва Англияга элчилар юборилиб, Испаниядан Клавио каби элчилар ташриф буюрадилар.

Амир Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларининг ташқи сиёсати ва дипломатиясида халқаро савдо аҳда маданий алоқалар муҳим ўрин тутганлиги бизга тарихдан яхши маълум. Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, халқаро қарвон йўллари хавфсизлигини таъминлашга тўла эришди. Шу туфайли, XIV асрнинг 70-йилларидан бошлаб, Буюк Ипак йўлининг Мовароуннахр орқали ўтган марказий таромғи шимолий йўналишга қараганда халқаро-иқтисодий-маданий алоқаларда муҳим ўрин тута бошлади. Мовароуннахр бўйлаб халқаро савдо қарвонлари ҳаракатининг қайтадан жонланиши шаҳарлар тараққиётига, уларнинг иқтисодий-маданий жиҳатдан юксалиши олиб келди.

Амир Темур ва темурийлар даври Буюк Ипак йўли фаолиятининг сўнгги ва ривожланган босқичи бўлди. Савдо йўлларида хавфсизлигининг таъминланиши, савдо-сотикнинг адвлат томонидан рағбатлантирилиши, шаҳарларнинг марказлар сифатидаги аҳамияти ортиши ички ва ташқи маданий-иқтисодий алоқалар ривожига олиб келди. Бу йўлнинг мамлакатимиз ҳудуди оқрали ўтган марказий йўналишларининг фаолияти янада жонланди.

Хуллас, Амир Темур ва темурийлар даври давлатчилигида, давлат бошқарув асослари назарий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилиб, амалиётга жадал жорий этилган. Давлат кам таъминланган, камбағал ва етим-есирларни ижтимоий жиҳатдан кучли ҳимоя қилган. Бу даврда давлат раҳбарига алоҳида эътибор берилиб, раҳбарнинг аввало комил инсон бўлмоғи, ахлоқий баркамоллиги талаб этилган. Давлат раҳбари қонунчиликни, бошқарув санъатини мукамал эгаллаган ҳамда давлатни аниқ ва пухта ишлаб чилқан қонунлар орқали бошқарган. Албатта, бу каби олижаноб тамойиллар, бугун ҳам ўз аҳамиятини қўйотган эмас, раҳбар кадрларнинг ҳар томонлама муносиб ва халқчил бўлишига давлат қаратаётган эътибор бу – тўкин келажак қафолатидир. Бу борада аждодлар ибрати бизга мактаб.

**Сурайё ТОШХЎЖАЕВА,**  
Андижон вилояти  
Шаҳрихон туманидаги  
1 умумтаълим мактабининг  
тарих фани ўқитувчиси



Айбланувчининг яқин қариндошларини етарли асослар бўлмаганда сўроқ қилиш тақиқланади.



...Қўл телефонимда чақирув. Кимлиги-га қарайман: Устоз. Юрак ҳаприқиб, бироз ҳаяжон ила жавоб бераман:

- Ассалому алайкум, устоз!
- Ўртоқ Шамсиддинов, халқ сиз томонда.
- Йўғ-е, қачондан бери? Шу — ўзимиз билган халқ бўлса...
- Ана, тармоқда ёзибди-ку биттаси...

Устозимизнинг “Фейс-бук”да саҳифалари борлигини биламан. Лекин ўлай агар, у кишининг ўшал сарсон минбарда — биров билан на ёзишганини ва ёхуд номига бўлсин, бирор воқеага муносабат билдирганини кўрган бўлсам. Суҳбат давомида англашиладики, оғам — у ердаги, айниқса, бугун гужгон ўйнаган фикрлар “тўлқини”-ю, ади-бади айтишувларнинг ҳаммагинасини кузатиб ўлтирган бўлиб чиқади. Жимгина. Муносабат билдирмайгина. Ажаб қанот. Шундай дейман-у, устоз, бу каби “демократия-демократия” ўйинлари-ю, “мардум кўрсинига элпарварликлар”дан етмиш йиллик умри-ю, ярим асрдан зиёд ижоди давомида безиблар кетган чиқар, дея ўйлайман. Ишонмасангиз, ёзувчининг ўттиз йил аввалги “Алданган авлоднинг андишалари” номли суҳбатини топиб ўқинг.

Хуллас денг, шу зайлда — бир соатдан мўлроқ давом эт-гулик сиртқи машварат аро санъату адабиёт, журналистикаю сиёсатнинг ҳар кўчасига бир мўралаб чиқилади. Каминанинг ора-орада қистириб тургич луқмаларини ҳисобга олмаганда, кўпроқ сомеъмиз. Чунки тинглаш маза: болаликдан то шу кунгача — ҳаётию ижодига, асарларига, айтган сўзи-ю, ишлатган иборасига маҳлиё бўлиб келганинг, сен “идеал” деб, онгингда муқим ўрнаштирган ШАХС билан мулоқот қилиб турганинг маза бўлмай, боринг ана, бахт бўлмай, нима ахир?..

Булар энди — бугунги, устоз билан нисбатан эмин-эркинроқ гаплашиб, у киши бизни синашта олиб, гап-гапга тўғри келиб юрган кунлар нақли. Аслида 20-25 йил олдин камина машҳур ёзувчи Эркин Аъзамнинг ёнига йўлаши ҳам эртадек туюларди. Лекин худойилгимни айтсам, у кишининг ёзганларига мактабдалиқ пайтимдаёқ чин шайдо бўлганим рост. Йўқса, мактаб кутубхонасидаги китоб борки, орқа-ўнгига қарамай, тўлиғича хатм қилиб туширган бир тирмизак, асарнинг яхши-ёмонини қайдан фарқласин, дерсиз? Аммо ўшандаёқ, онг остидаги нималардир — Эркин Аъзам асари, унинг тили, қаҳрамонининг хатти-ҳаракати ўзгачалигини, бошқаларга ўхшамаслигини уқтирган. Кейин-кейин билсам, “Байрамдан бошқа кунлар”да дейсизми, “Отойининг туғилган йили”да дейсизми, “Анойининг жайдари олмаси”-ю, “Пақананинг ошиқ

кўнгли”ни мисол келтирасизми, ундаги қаҳрамонлар ОДАМДЕК ГАПИРАР ЭКАН.

#### Ибрат!..

Каминанинг адабиётшуносликка ҳам, бошқа “...шунос”-ликларга ҳам, ёзувчиликкаям даъвоси йўқ. Шунчаки, устоз асарларини қисман санаб ўтганим боиси азбаройи миллионлаб мухлислар сингари уларга аз-тархи дил ошнолигимни айтиб ўтмоқ эди. Дарвоқе, талай китобларига ўзларидан дастхат ҳам ёздириб олганман. У битиклар ҳам шунчаки, “бахту омад тилайман”лар каби эмас, Аъзамона. Биттагинасини келтирай: “Иним фалончига! Заминдан узилмаган парвоз тилайман!” Ана энди ўшандоқ парвозни тасаввур қилаверинг. Бугун ўйлапманки, аслида парвозниям шуниси тузук экан. Чунки ўзимизча парвоз ҳам қилдик, гоҳида ерпарчин ҳам бўлдик. Лекин бахтим шуки, устоз қўллаб турди, нари сурмади, айримларга ўхшаб, танимаганга олиб кетмади. Ишсиз, кўчада қолганимда, Эркин ака “Йигит кишининг бундай юриши ярашмабди, иним” дея, баравар қайғурганлари... Ўшанда катта бошини кичик қилиб, каминани кимларга далолат қилмади, дейсиз?! Унутиб бўлади-ми.

#### Ибрат!..

Мухлисликка қайтадиган бўлсам, каминанинг Эркин Аъзам ижодига қизиқиши шунчалик эдики, у кишининг тенгқур ўртоғи, узангидош жўраси Муҳаммаджон ака (шоир Муҳаммад Раҳмон) билан яқин беш йил ёнма-ён ишлаган бўлсак, ҳар суҳбатда — бир гал Эркин Аъзам, бошқа сафар Мурод Муҳаммад Дўст ҳақида сўрайверардим. Раҳматли Муҳаммаджон акам ўтган-қайтган воқеаларни эринмай гапириб бераверарди. Ҳали ўқишгаям тузук-қуруқ кирмаган уч гўр ўспирин — Эркин Аъзам, Усмон Азим ва Муҳаммад Раҳмоннинг тап тортмай, замонасининг улуг адиби Абдулла Қаҳҳор ҳузурига борганлари-ю, улуг ёзувчинини андишасизларча сўроққа тутганлари, Сурхондан келган, сочи тақир қилиб олинган учовлоннинг имтиҳонга, пойтахтда адашиб-улоқиб қолмайлик, дея, қўл ушлашиб қатнаганларини ҳам Муҳаммад Раҳмон билан қилинган суҳбатлар аро билиб олганман. Кейинчалик бу ва бошқа гапларни Эркин акага айтсам, “Ўзи нечига кирасиз? Билмаган нарсангиз йўғ-а”, деб қулиб қўйган.

Муҳаммад Раҳмонни

эслаяпман-у, яна бир воқеа эсимга тушиб кетди. Фарзанд доғи, яна бошқа аламлар Муҳаммаджон акани 60 ёшда олиб кетди. Жанозадан сўнг бир галати воқеа рўй берди. Майит устига тупроқ тортилгач, аввал, “эъжод” бошида — зўр лирик шеърлар битиб, минглаб кўнглиларни олган, бугун кўпроқ диний мавзуга берилиб, шу йўналишда ўзни намоён қилаётган, устоз мақомидаги бир ш о и р и м и з қабр устига деярли юзтубан ётиб олиб, бир нарсалар дея гўлдирай бошлади. У

одамнинг (ким эканлигини айтмай қўя қолай) нима деяётганини билмоқ учун, азбаройи қизиққанман, яқинроқ бориб тингласам, боягина қабрга қўйган одамимизга қарата (гўё энди у эшитадигандек), “Муҳаммаджон ака, ҳозир сиздан “Роббинг ким?” деб сўрашса, фалон дейсиз, “қулоғингда нима бор? Оғзингда нима бор?” деса, мундоқ дейсиз” дея, ёшлигимиздан буви-ларимиз мизмизга қўйиб келган каломларни ер остидаги марҳумга “уқтирмақда”. На кулишни биласан, на йиғлашни. Шу ҳолда ёнимда турган Эркин акага қарадим. Шунда устоз жуда жўяли бир гап қилдики, ҳеч эсимдан чиқара олмайман.

— Эй, фалончи, — дедилар у киши, — одам Куръонни ёд олиши мумкин, борингки, дуппа-дуруст шоирдан имом ҳам чиқиши мумкин. Аммо ўша одамга, энг аввало, фаросат битмоғи керак...

#### Ибрат!..

Телевиденида ишлаган чоғларимда устоздан кўп интервью олишга, имкон қадар у кишини кўпроқ чиқаришга ҳаракат қилардим. Чунки бошқалар юз соат гапириб, чиқариб бера олмаган маънини Эркин ака битта ибора билан тушунтириб қўя қоларди.

Бир куни яна ўшандоқ, фақат Эркин акага ўхшаган шахсга гапиришга ҳақли бўлган бир мавзу тўғрисида кўрсатув тайёрлашга тўғри келиб, устозга сим қоқдим. Салом-аликдан сўнг муддаога ўтсам, “Ҳали хабарингиз йўқ шекилли. Бизга телевизорга чиқиш тақиқланибди”, деб қолди. Таажжуб билан сабабини сўрасам, нима дейди денг..? У кишига — ўзлари “иним” деб суюб юрувчи, юқори доирадаги бир каснинг хабар беришича, ўша пайтдаги энг катта раҳбар, Эркин акани ойнаи жаҳонда кўриб қолиб, “Бу жўранг нега



мендан ҳам ортиқ суйгувчи инилари, менинг дўстим — Абдураҳмон ва камина, учовлон Ангрен томонлардаги тоғли ва хушманзара гўшада сайри боғ қилиб қайтаётганда, ўша томондаги Дукент деган овлоқ, ўтган аср 80 йиллари манзараси шундоқ қоғиб қолган шахарчадан ўтдик. Эркин ака мошинани тўхтатиб, анча хаёлга чўмиб қолганди. “Иним, бу ерлар менга қадрдон Бойсунимни эслатди. Эҳ, киночиларимизни судраб бўлсаям, шу ерларга олиб келиб, қанча кинолар олиш мумкин” деганди.

Қайтар чоғи, устозга

қарата берган беандиша саволимдан ҳалигача уяламан. “Бойсун-Бойсун” дейсиз.

Қаранг, қайси

туманни олманг, ё пахта, ё галла беради, ҳеч бўлмаса, тамаки етиштиради. Нефту газини айтмай қўя қолай. Бойсунингиз нима беради ўзи?” Бироз жим турди-да, “Бойсунми? Бойсун юртга гап беради”.

“Ўл, нодон”, дейман ўзимга ўзим. “Эркин ака шу битта гап билан тушунтириб қўйди-ку сенга. Келиб-келиб, ўзбек деган миллатга — Рўзи Чори, Шуккур Холмирза, Эркин Аъзам, Усмон Азимдек улуг зотларни берган юртга тил теккизасанми. Ҳазил қилмай ҳар бало бўл”. Устоз бир сўз билан ҳаммасини тушунтириб қўя қолганди...

#### Ибрат!..

Эркин ака, устозим!

Хув бирда, ўзингизга ҳам айтгандимки, ўтган аср ёзармонлари бирор нарса битса, Абдулла Қаҳҳор нима деркин, дея ҳайиқиб туришган. Бугунги авлод сизни худди ўшандоқ деб билади, сизга талпинади, сиздан мурувват кўради. Шу гапларни ёзаяпман-у, кўз олдимда чимирилиб турган қошингиз, жиддий чеҳрангиз, қулоғимда момогулдиракдек овозингиз. Ёзганларим — қай бирини айтай, дея, анча ўйлаб, бир ўтиришда ёзилган пойинтар-сойинтар жумлалар. Бир гапни такрор айтишдан ор қилмайман — неки ёзар бўлсам, гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон бўлсин, сизга тақлид қилишга ҳаракат қиламан. Ўхшамасаям, сизникича бўлмасаям майли. Ҳатто, тепадаги битикларнинг услубиниям ўзингизга тақлидан, очикроғи, устозингиз Асқад Мухтор шаънига битганингиз — эсдаликлардан шундоққина олиб қўя қолдим. Койиманг!..

Ҳар қандай замонда ШАХС бўлиб қола билганингиз, турланиб-тусланишни ор билганингиз биз учун алоҳида ИБРАТ!..

Мудом соғ бўлинг!

Комилжон ШАМСИДДИНОВ

## ИБРАТ!..

овозини дўриллатиб, телевизорда ақл ўргатади. Чиқмасин бундан буён”, дея амр қилибди.


— Шунга-а, иним Комилжон, бизнинг чиқмай қўя қолганимиз маъқул.

— Ўша, Сизга бунақа мантиқсиз айбловни етказган анави укангиз, бу гапни айтган раҳбарга, “Эркин Аъзамнинг ўзи шунақа гапиради, атайлаб дўрилламайди” дейишга ярамабдимми?

Устоз, кулиб, “Эҳ, иним, кўп нарсани билмайсиз-да” деганди. Бунақа ҳолатлар кейинчалик ҳам такрорланиб турдики, камина, устоз айтган кўп нарсаларни секин-аста англай бошладим. Айниқса, Эркин Аъзам драмаси асосида саҳнага қўйилиб, танловда голиб бўлган “Танҳо қайиқ” спектакли тўғрисида кўрсатув тайёрланиб, унда, тутуриқсизликни қарангки, муаллифнинг номи, ҳатто, эсланмаган чоғларда, устознинг фарзандидек бўлиб қолган “Тафаккур” журналининг бош саҳифасида бериб борилаётган, муштарий унинг ҳар сатрини ёд ола бошлаган “фикра”лар дабудурустан тўхтаган чоғларда, буларнинг замирида не синоат ётганини тушуна бошладим. Устоз буларнинг ҳаммасини ним жилмайибгина энгиб келди.

#### Ибрат!..

Шукрки, тақдир насиб қилиб, устоз билан анчайин сайру саёҳат қилишга, гап-гаштакларда бирга ўлтиришга, узоқ-узоқ суҳбатлар қуришга тўғри келди. Ҳа-я, дарвоқе, саёҳат деганда бир нарса ёддан кўтарилай дебди. Англашимча, у киши ҳашамдор гўшалар-у, номининг ўзиёқ бошдан ҳушни оладиган манзиллардан кўра, ташландиқ, дейишга бо-тинолмайман-у, аммо камиписанд, кўҳна, анчадан бери одам оёғи ва тараққиёт қадами етмаган жойларни хуш кўраркан. Бир куни Эркин ака, у кишини — соҳаси бўлак бўлса-да,



Жиноятларни фош этиш фаолияти такомиллашади, бу бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.



# Сабр қилган етар муродга



**Бутун дунё аҳли, шу жумладан, ватандошларимиз ҳам айни кунларда коронавирус инфекцияси туфайли жиддий синов даврини бошдан кечирмоқда. Минг шукрки, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан бу офат мамлакат бўйлаб ўта хатарли даражага кўтарилиб кетишининг олдини олиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

**“Сабрсиэлар тез йўлиқар балаога, Сабрли қул бора-бора шод бўлар.”**

деган сатрлар ҳам кишиларни огоҳлик ва сабр-қаноатга даъват этади.

Чамаси, бундан ўттиз-ўттиз беш йиллар олдин қайсидир китобдан ўқиганим, ибратомуз ҳикоят шу кунларда тез-тез хотирамга келади.

Ҳикоя қилинишича, бир донишманд зиёрат мақсадида ёнида шогирдлари билан узок сафарга чиқади. Йўл-йўлакай тўрт томони яйдоқ, яйлов ерда бир киши ёнида ўғиллари, неваралари билан дарахт ниҳоллари ўтқазашаётганига дуч келади. Бир зум тўхтаб, саломлашиб, “ҳорманг-бор бўлинг” қилишади.

— Отахон, бу ерда катта бир боғ қилмоқчиман, — дейди суҳбат давомида ниҳол ўтқазётган бўлгуси боғбон.

— Ниятингиз яхши, лекин ишингиз галат, — дейди донишманд ва гап айтмай йўл юришни давом эттиришади.

— Йўл юриб, эртасига худди кечагидай яланглик бир жойда бир гуруҳ кишиларнинг паҳса девор барпо қилётганини кўриб тўхташади. “Ҳорманглар”, дея ҳол-аҳвол сўрашишади. Гап орасида девор тортаётганларнинг ёши катта-роғи донишмандга бу жойда бир катта боғ қилмоқчи эканини айтади. Шунда донишманд унга қарата:

— Баракалла! Ниятингиз яхши, ишингиз ҳам дуруст, — дея олқишлайди.

Ҳамсафарлар йўлда давом этиб, бир манзилда тўхтаганларида шогирдлар қариядан қизиқиб сўрашади:

— Устоз, йўлда иккалалари ҳам бир мақсадни кўзлаб иш қилаётганлардан бирининг амалига эътироз билдирдингиз. Кейингисини дуруст деб мақтадингиз. Сабабини англамадик.

Шунда донишманд йўлдаги сўзларни изоҳлайди:

— Биринчисининг ишини хушламаганим, ўтқазётган ниҳолларининг хавфсиз ўсиб-униши, дарахт бўлиши, мева беришларида кафолат кўрмадим, чунки атрофида муҳофазаси йўқ, саёқ-сандирок ҳайвонларга ем бўлиши турган гап. Кейингисининг ҳаракатини маъқуллаганим, ишининг охирини ўйлаб, энг аввал, бўлажак боғ ниҳолларининг ҳимояси учун ҳам девор тиклаётгани...

Ривоят мазмунидан бугунги вазият учун ҳам хулоса чиқариш мумкин. Дейлик, ҳар оилани, маҳаллани, борингки, жамиятни бир боғ деб тасаввур қилсак, ундаги дарахтларнинг дахлсиз ўсиши учун ҳам бугунги кунда жорий этилган ва ижроси қатъий талаб қилинаётган карантин қоидалари ҳимоя девори вазифасини ўташи шубҳасиз.

Хабарлардан маълум бўлаптики, касалликка чалинган бир киши эҳтиётсизлик орқали ўзига юқтирибгина

қолмай, оила аъзолари ва бошқаларга юқтирмоқда.

Бундан кўринадики, ўзимизни асрасак, шу орқали атрофимиздагиларни ҳам асраган, шу орқали, аввало, ўзимизга ва ўзгаларга яхшилик қилган бўламыз. Зеро, шу яхшиликнинг ўзи хайр-саховатнинг бир кўриниши ҳамдир.

Шу ўринда ҳазрат Навоийнинг “Кўлингдан келса, ўзгаларга яхшилик қил, келмаса, ҳеч бўлмаса, ёмонлик қилмагинки, шунинг ўзи яхшилик қилганинг билан баробардир” деган мазмундаги пурмаъно сатрлари ёдга келади.

Бугунги кун синовларининг яна бир талаби сўзимиз билан ишимиз бир бўлишининг ўта зарурлигидир.

Бир неча кун олдин жамоа ўртасида карантин қоидаларига қатъий амал қилишни талаб қилиб, панд-насихат билан тарғибот ўтказган мутасадди ходимнинг ўзи эртаси куни айтганига амал қилмай жамоат жойида бениқоб юргани, беўхшов қилиқлар қилганини кўшниларимиздан бири ачиниш билан гапирар экан, қўшиб қўйди:

— Шунда бошқалардан, ёшлардан қандай гина қилиш мумкин?

Дарҳақиқат, унинг куюнганича бор.

Аслида шу масъулиятли кунларда энг аввало, биз катталар (катталар деганда ёши улуглар баробарида мансаб, лавозим эгалари ҳам назарда тутилмоқда), шу жумладан, зиёлилар ҳам фақат сўзимиз билан намуна бўлишимиз шарт ва зарур.

Узтоз шоир, таржимон, тарихнавис ва давлат арбоби Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўгли таъкидлаганидек:

**Халқ аро огаҳ эсанг, Огаҳий,  
Бегараз ар сўзни десанг, Огаҳий  
Чунки эрур бошдан оёқ чин, сўзинг,  
Лек керакдур амал этсанг ўзинг.  
Гар амалинг бўлмаса не фойда,  
Барча сўзинг бўлгуси бефойда.**

Бугун атрофга зийраклик билан назар ташлаб, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарларни эшитиб ҳаракатимизга холисона баҳо беришимиз, ўзимиз ва ўзгаларни кўринмас балодан асрашимиз, боболар айтганидек, бирни кўриб, фикр, бирни кўриб, шукр қилишимиз даркор.

Шу билан баробар руҳиятимизни ҳам баланд тутишимиз, аҳиллигимиз, сабр бардошимиз билан самовий синовлардан омон-эсон ўтиб олишимизга ишонишимиз лозим.

Машҳур ёзувчи Александр Дюманинг “Граф Монте Кристо” асари қаҳрамони тили билан айтганда “Кутмоқ ва умид қилмоқ керак!”

Албатта, бу кунлар ортда қолади.

Зеро, аҳиллик, меҳр-оқибат, сабр-қаноат бор жойда яхшиликлар бардавом бўлади, қийинчиликлар енгил ўтилади.

**Отабек ИСМОИЛОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси**

**ЭЪЛОН**

## «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади**

2020 йил 14 сентябрь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри “И.Каримов” кўчаси 162 уйда бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидега ўтказилган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда.

1. “Шеробод Пахта Тозалаш” АЖга тегишли бўлган Шеробод туман “Дўстлик” маҳалласи “Мустақиллик” кўчасида жойлашган умумий ер майдони 0,162 га бўлган “Музлаткич” омборхона биноси

**Бошланғич баҳоси: 320 593 000 сўм.**

Савдода иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объект билан “Шеробод Пахта Тозалаш” АЖнинг масъул ходимлари орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар талабгорга хабарнома чиққан кундан бошлаб, 2020 йил 14 сентябрь куни, яъни аукцион кундан 2 (икки) соат олдин ариза қабул қилиш тўхтатилишини маълум қиламиз.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 14 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ёки савдо ғолиби белгиланган муддатда шартнома имзолангандан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажарилмаса, тақрорий аукцион савдоси 2020 йил 29 сентябрь ва 14, 29 октябрь, 13, 30 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) календарь кун ичида сотувчи билан олди-сотди шарт-

номасини тузиш ва шартнома тузилган санадан бошлаб, томонлар келишуви-га асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар закалат келишуви тузилганидан кейин, объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизи миқдорида “SURXON RIELTOR SERVIS” МЧЖнинг ХАБ “Траст банк” Термиз филиалидаги (МФО:01063. ИНН:304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами);


Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

**МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:**  
**“SURXON RIELTOR SERVIS” МЧЖ**  
**Термиз шаҳри “И.Каримов” кўчаси 162 уй.**

**Телефон: + 998 (97) 351-80-03**

**Хизматлар лицензияланган.**

**Лицензия RR-0291.**



Сенат томонидан “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун маъқулланди.



# Алданган аёлнинг саволи

## ёхуд “Кўйлик” бозоридаги “танишув”

Ақлимни таний бошлаганимда телевизор, радио, китоб ёки одамлар оғзидан нотаниш сўз эшитсам, дарҳол унинг маъносини чақишга ҳаракат қилардим. Бир куни оқ-қора экранда “Ошин” телесериалини томоша қилаётганимда, қулоғимга “фоҳиша” деган сўз чалинди. Шу ернинг ўзидаёқ отамдан “фоҳиша” дегани нимани англатишини сўрадим, отам эшитмасликка олди, қайта сўраганим, жавоб ўрнига молларга қарамаганим учун дакки эшитдим. Шу-шу бу савол жавобсизлигича қолиб кетди...

Саволга кейинчалик жавоб топдим-у, лекин кўнглим тўлмади. Ҳатто, баъзида бу ҳақда ўйлашнинг ўзи аҳмоқлик деган фикрга келиб қолдим...

“Кўйлик” бозоридан ўтган осма кўприк тагига бориб қолган ҳар қандай одам “фоҳиша бозори”га гувоҳ бўлади. Хаёл ўз йўлига, бироқ сиз истамагани тасвир оёғингиз тагидан чиқиб турса, бунга кўз юмиб кетолмайсиз. Қўлингиз билан кўзингизни ёпсангиз, бармоқларингиз орасидан пойлашингиз турган гап. Тагин, ҳар ўн беш минут атрофида машина билан айланиб турадиган назоратчиларнинг исми “бозор”нинг “лидери”га айланган оймчаларнинг оғзидан осонгина чиқиб кетади. Албатта, бу табиий ҳол, чунки, ҳар қандай одам ўзига қарши томоннинг қачон ҳужум қилишию феъл-атвори ни яхши билади. Шундай экан, назоратчи билан “тунги капалак”лар ҳам ит-мушук бўлиб кун кечиради. Бундай пайтларда: “Фалончи келяпти, юрғаз машинани. Ҳей йигит, бу ерга гап сотишга келмаганман; Эркаклар ҳаммаси бир гўр — пули йўғ-у, ош егиси келади” деган узук-юлуқ “пурмаъно” гаплар ҳар тарафдан янграб кетади.

“Бундай жойларда сиз нима қилиб юрибсиз?” дейсизми? “Кўйлик” бозори яқинидан уй олдим. Илк марта рўзғор қилиш учун шу бозорга бордим. Аммо машина тутиш учун кўприк остидан ўтишга тўғри келди-ю, сценарийсиз театр ни ва ўз ролини пухта ижро этаётган “актёр”ларни кўриб, оғзим очилиб қолди.

Бир кило гўштни олиш учун савдолашганим бир тараф-у, бу ердаги “савдогар”лар ва “харидор”ларнинг таассуроти бир тараф бўлди. Қош-кўзини чаплаган “савдогар” нарх айтаркан, худди олиб-сотардек кўринади. Улар озгина хафалашгандек бўлади. Ўртага “даллол” тушиб савдони пишитгач, “савдогар” ва “харидор” эски қадрдонлардек бир машинага ўтириб кўздан ғойиб бўлади. Мана бозору ана бозор!

Гапни чўзиб нима қилдим, таксига чиққанимдан кейин бу нарсаларни унутта бошлаган эдим, аммо ҳайдовчи ёшроқ

йигит экан, йўл-йўлакай гап бериб келди. Орада кўзи билан орқа ўриндиққа ишора қилаверди. Мен гўдайиб унинг ёнига ўтириб олганман, орқа ўриндиққа қарашга ҳам ҳушим йўқ. Амаллаб қарардим. Қарардим-у, юрагим товонимга тушиб кетгандай бўлди. Менга қараб турган нигоҳлар жонимни суғуриб олишига бир баҳя қолди. Ўзимни ўнглаб оларканман, ҳайдовчи “қандай экан?” дегандек томоқ қирди. Кейин, “қараб туриш” дегандек қизга луқма ташлади.

— Сизни аввал қаерда кўрганман?

— Тушингизда! — Қизнинг жавоби айни муддао бўлди.

Шунда бир дўстимнинг “Балиқ овлаш учун қармоқ шарт эмас” деган қочирими ёдимга тушдию гап нимадалигини дарҳол тушундим.

...Мен ўз-ўзим билан гаплашиб бўлганимда, йигит ўзидан “ака”ни, қиз эса надомат ўтида ёнаётган “сингил”ни ясаб бўлган эди.

Уларнинг суҳбати шундай давом этарди.

— Дунёда шундан бошқа иш йўқми? — деди йигит менга “гап йўғида гапда” дегандек қулиб.

— Нима фарқи бор, — деди қиз худди дугонасига гапиргандек. — Масалан, бирор кафега коса-товоқ ювувчи бўлиб ёлландим дейлик. У ердаги эркаклар менга ёмон кўз билан қарамаслигига, гап отмаслигига, кечки овқатга таклиф қилиб, тўшакка тортмаслигига ким кафил бўлади? Ваҳоланки, мен очдан ўлмаслик учун ёки меҳрим ийиб кетиб, рози бўларман, аммо унда мен ҳам коса-товоқ ювувчи, ҳам “тунги капалак” бўламанку, маошга эса қуш тўймайди. Ҳозир бўлса... — Деди-ю, томоғига бир

нима тиқилгандек жим бўлиб қолди.

Ҳайдовчи жим. Мен чидаб турулмай гап бошладим:

— Одамлардан шунчалар кўрқаркансиз, нега турмушга чиқмадингиз?

— Сен уйланасанми менга? — деган қутилмаган жавоб эса нақ эсимни чиқариб юбораёзди.

— Йўқ, асло!

Машинани бошқараётган йигитга маза бўлди. Оғзини йиғиштиролмай, қизил чироқдан ўтиб кетди. Бахтимизга на ДАН ходимлари, на ён тарафдан машина чиқди. Аммо йигит ҳам таъзирини еди.

Бироз жим кетдик. Машина қанотидаги кўзгудан қизни кузатдим. Негадир унинг елкалари учаётгандек.

— Аҳволингиз яхшими? — деб орқага қайрилдим. Унинг

икки аёлни ҳам бир тўшакка жойларкан, мен буни кейин билиб қолдим. Сўнг аччиғимга чидолмай, мактабда севишиб юрган йигитимни қидира бошладим. Уни қариндошимизнинг тўйида учратиб қолдим-у, шу баҳонада эримдан хунимни олишни кўзладим. Ростини айтсам, эрим жуда дағал одам эди, аёл киши қулоғи билан севади деган гап борку, мен ҳам эримдан эшитмаган гапларни собиқ севгимдан эшитиб, орзулар уммонида сузиб кетдим... — Шунчалар нафрат билан гапирганидан бугилиб борар, охири:

— Э-э-э... Хуллас, эрим хиёнат устида ушлаб олди. Аслида унга ҳам шу керак эди. Шу кунийёқ қорнимдаги бола билан жавобимни берди. Мен уйимга қайтолмасдим. Ундан кўра, ўлиш осонроқ эди. Синфдошимдан ёрдам сўраш ҳам ҳеч нарсани ўзгартирмаслигини яхши тушунган ҳолда шаҳарга келдим. Аввал тиланчилик... энди кўнгилхушлик.

У шундай деди-да, худди енгил тортгандек ёки бир соатдан бери нафас олмаган одамдек чуқур нафас олди.

— Бола нима бўлди?

— Ўлик туғилди...

Машина бошқараётган йигит тилини ютиб юборгандек кетарди. У аёл йиғлаганда нима дейиш кераклигини билмас, назаримда, уйланмаган эди.

— Кимдир хафа қилдими сизни? — дедим ҳамдардлик билан.

— Ҳа, икки кундан буён тиним йўқ. Лекин мижозлар ҳаммаси қурумсоқ. Охири бугун дам оламан деб кетвордим. Кетишга кетяпман, аммо “со-

лик”ларни вақтида тўламасақ бўлмайди, шаҳар бедарвоза эмас. Тагин ижара ҳақи, яна “онабоши”нинг фоизи...

У шунчалар табиий гапирардики, худди бу биз ОАВда жар солаётган “ЖИНОЯТ” эмас, балки ҳамма тўловларини вақтида амалга ошириб келаётган бир бечора фуқаронинг кундалик вазифаларига ўхшарди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, синглим! — дедим-у, бу гап ўзимниям жонимга тегиб кетгани, кимдир менга шундай деса, жиғибийрон бўлишим ёдимга тушиб, тилимни тишладим, аммо кеч эди.

— Яхши бўлмайди ака, — деди у худди уйкуга кетаётган боладек, — энди фақат ёмон бўлади. Бир ривоятни эшитганимизми? — Жавобимни ҳам кутмай, “Эшитмагансиз”, деди.

— Бу ривоятни биринчи марта, қилаётган ишимдан ҳазар қилиб ва энди тўғри йўлга киришга ҳам кеч бўлганидан афсус чекиб, томирларимни кесиб, шифохонада кўзимни очганимда “онабоши”миз айтиб берган. Хуллас, бир замонлар бир бечора яккаю ёлғиз тилла тангасини ҳожатхонага тушириб юборибди. Кечиб кетай деса, бошқа пули қолмаган, олай деса, нажасга қўл суқишдан жирканаркан. Мол аччиғи — жон аччиғи дегандек, амаллаб тангани олибди. Тозалаб ювибди. Энди бошқа муаммо пайдо бўлибди, чўнтагига солай деса, кўз олдига нажасда ётган тилла танга келаркан. Отиб юборай деса, оч қолади. Охири ишонган нажоти шуда, ахир. Кун қорайгунча, шу ерда қолиб кетибди бояқиш. Тангани олдига қўйволиб ўйга чўмармиш. Охири нима қилганини биласизми? Билмайсиз! У бечора ўша тангани яна нажасига ташлабди-да, ўз йўлига раво-на бўлибди...

Машина тўхтади. Ҳайрон бўлдим, “Наҳотки, бу ривоят йигитга шунчалар таъсир қилган бўлса, ҳатто, машинани тўхтатди-я”.

— Ака, шу ерга тушасизми? Атрофга қарасам, манзилимга етиб келибман.

— Ҳа. Раҳмат. Хайр!..

Машина қўзғалганда қиз кўзидаги ёш билан ойнадан бир қаради-да, озгина жилмайди, сўнг бармоқларини лабига бос-тириб мен томонга бўса учирди. Яхшиям ойна кўтарилган экан. Бироз довдираб қолдим. Ҳозиргина ривоят айтаётган қиз қани?

Бозорликни кўтарганча маҳалламизга кирарканман, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”идаги Мирёқублар энди топилармикан, дейман ўзимга ўзим. “Туриш додҳо, хирмонга ўт кетди!” деб хайқирса-ю, итлик қилаётган биздек Мингбошилару ривоятнавис оймчалар гафлат уйқусидан уйғониб кетса!


Бегали ЭШОНҚУЛОВ,  
“Жамият” муҳбири



У шунчалар табиий гапирардики, худди бу биз ОАВларда жар солаётган “ЖИНОЯТ” эмас, балки ҳамма тўловларини вақтида амалга ошириб келаётган бир бечора фуқаронинг кундалик вазифаларига ўхшарди.

ростдан ҳам йиғлаётганини кўрдим, шу билан бирга ёнолмай турган чўғга керосин сепган эканман.

— Ҳеч ким онадан фоҳиша бўлиб туғилмайди, ака, — деди рўмолча билан оқайтган бўёқларни сидириб. — Турмушим ўхшамади. Эрим жуда келишган эркак эди. Сизга ёки бунга (ҳайдовчини имлаб кўрсатди) ўхшаган нимжон олифталарнинг иккитасини бир муштира жо қиларди. Аммо у



Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини модернизация қилишга Жаҳон банки томонидан маблағ ажратилади.



# Фарзанд асраб олишни соддалаштириш вақти келмадими?

Болалар жаннатнинг райҳонларидир, дейилади ҳадисда. Ҳақиқатдан ҳам оиламизни бу неъматсиз тасаввур қила олмаймиз. Рақамларда эса шу мавзуда қанчадан-қанча ёш оилалар фарзандли бўлишдек бахтни ҳис этаётгани ва яна юзлаб, минглаб оилалар фарзандли бўлиш, ота-она, деган мақомга эришиш учун нималар қилаётганига гувоҳ бўламиз. Баъзилар болалар уларидан фарзанд асраб олаётган бўлса, яна айрим қўштирноқ ичидаги ота-оналар ўз жигарбандини сотишга қўл урмоқда.

Жорий йилнинг 7 оyi давомида Фарғона вилоятида 50 минг 344 нафар чақалоқ дунёга келди. 2903 нафар болага оталик белгиланиб тузилганлик ҳақидаги гувоҳномалар берилган. 854 нафар чақалоққа ёлғиз она аризасига асосан, болаларнинг тузилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларида ота ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмаган ҳолатда гувоҳномалар берилган.

Болажон халқимиз доимо фарзандли бўлишни беқиёс бахт деб билган. Шунинг учун фарзанд кўришдан мусуво бўлган ва ёки турли ҳаётий сабаблар билан фарзанди йўқ оилалар ҳам доимо бу муаммоларга адолатли ечим топиб келган. 2019 йилда Фарғона вилоятида 205 нафар, жорий йил 7 ой давомида 180 нафар бола фарзандликка олинди. Уларнинг эндиликда ўз оиласи, Ватани ва гамхўрлик қиладиганлари бор. Бу, албатта, қувонарли ҳолат! Бироқ...

Нега мамлакатимизда ноқонуний чақалоқлар савдоси ҳали ҳам давом этапти? Ичингиз қизимасин. Дарров айтиб қўяқолайлик! Бизнингча, бунинг энг асосий сабабларидан бири қонуний бола сақлаб олишда ҳужжатвонликлар ва босқичларнинг ҳалдан ортиқ кўплиги. Инсон доимо осонини танлайди. Келинг, ана шу билдирган фикрларимизни куйида таҳлил қиламиз.

Аввало, фарзандликка олиш батамом сир сақланади. Бола асраб олмоқчи бўлган оилалар, биринчи навбатда, васийлик ва ҳомийлик органларига мурожаат қилади. Ушбу орган болани тарбиялашга олаётган оилани белгиланган муддатларда ўрганиб чиқиб, хулоса беради. Якуний хулосага келиш жараёнида бўлажак ота-она тиббий кўрикдан ўтади. Ўзингизга маълум, тиббий кўрикдан ўтиш жараёнлари қанча вақт ва қанча хара-

Ана шу босқичлардан ўтилганидан сўнг фарзандликка олиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори эълон қилинади. Суд ҳукми ижобий белгиланган тақдирда 10 кунлик муддат ичида янги ота-оналар ўз яшаш ҳудудидаги ФХДЁ бўлимларига мурожаат қилиб, болага янги гувоҳнома олади.

Юқорида келтириб ўтганларимиз мамлакатимизда фарзандликка олиш бўйича қонуний тартиб хисобланади. Тўғриси, ушбу босқичларни ўрганаётиб мураккабликдан бошим айланиб кетди. Узундан-узун жараёнлар, жараён ичидаги жараёнлар, вақт ва давомийликнинг жуда узунлиги, ҳужжатбозлик...

Албатта васийлик ва ҳомийлик органлари, прокуратура боланинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади, унинг бахтли келажиги учун қайғуради. Бунга эътирозимиз йўқ. Лекин мана шу жараёнларда иштирок этаётган шахслар қоғозбозлик ва сарсонгарчиликдан чарчаб, зерикиб, табиийки, осон ва қулай йўллари ҳам излашни бошлайди. Бу эса ноқонуний йўлга кириш дегани...

Замон шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ҳамма нарса инсон манфаатлари учун, деган тамойил бирламчи ўринга чиқди. Эндиликда ҳукумат вакиллари ҳам, фуқаролар ҳам бошқача фикрлайдиган бўлди. Фуқароларнинг қонуний йўл билан мақсад ва муддаоларга эришиш учун барча ҳужжатлар ва имкониятлар максимал даражада оптималлашмоқда. Масалан, авваллари тadbиркорлик фаолиятини ойлаб, йиллаб йўлга қўя олмаётган, бир бошини минг эшикка уриб “гурра” бўлган тadbиркор бугун Давлат хизматлари марказлари орқали нари борса, 20 дақиқада ҳисоб рақам очиб, қонунан рўйхатдан ўтмоқда.

Бизнингча, шулар қаторида бола сақлаб олиш ва фарзандликка олишнинг қонуний жиҳатларини тамоман янгидан кўриб чиқиш ва имкон қадар бу жараёнлар, босқичлар ва ҳужжатбозликни қисқартириш фурсати аллақачон етди. Агар қонун ижодкорлиги билан шуғулланувчи қатламларимиз, халқ вакилларимиз мана шу мавзуга ҳам етарли эътибор берса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу йўл билангина чақалоқ савдосига узил-кесил чек қўйилган бўлар эди.

**Элёржон ЭҲСОҲОВ,**  
**ДХА Фарғона вилоят бошқармаси**  
**Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар шўъбаси етакчи маслаҳатчиси**

Ҳар қандай кучли шахснинг ортида кучли аёл туради, хоҳ онаси, хоҳ умр йўлдоши, хоҳ опа-синглиси бўлсин. Тарихда ҳам, бугунда ҳам бунга мисоллар кўп. Илмий салоҳияти, маърифий қудрати билан дунё аҳлини ҳайратга солган аждодларимизнинг таржимаи ҳоли билан яқиндан танишар эканмиз, у зотларнинг бундай юксак камолотида зукко онаси, доно бувиси ёки энагаси муҳим ўрин тутганидан воқиф бўламиз.

## “...Қиз болага таълим берсанг, бутун жамиятга таълим берган бўласан!”

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, қизларга пухта таълим бериш, уларни илмли, ҳар томонлама етук шахслар қилиб масола етказиш ҳаёт-мамот камолати бўлиб қолаверади. Ўзбек хотин-қизларнинг ҳаёти, ривожланиш босқичларини олис тарихдан бошлаб бутунгача ўрганиб келаётган америкалик оlima Мариана Кемпнинг фикрича — “Хотин-қизларнинг ҳаёти яхшиланиши учун уларга мукамал билим бериш ва уларнинг эркин фаолият юритиши учун муҳит яратиш лозим. Токи, улар ўз кичик тadbиркорлигини бошлай олсин, даромадига ўзи эгаллик қилсин, фарзандлари учун ва оиласи учун гапира олсин. Ана шу омилар аёлларнинг жамиятдаги родини кучайтиради. Ўзбекистонда жуда кучли аёллар бор. Жуда илмли, фаол, ўз ўрнини ва родини биладиган меҳнаткаш аёллар”.

Аёлларни фақат сифатли таълим қутқаради, шундагина улар ҳар қандай ташаббусини амалга ошира олади. Аллома Абдулҳамид ибн Бодис “Агар ўғил болага таълим берсанг, бир шахсга таълим берган бўласан. Агар қиз болага таълим берсанг, бутун жамиятга таълим берган бўласан” деганларидек, ўғил-қизларнинг бир хил таълим олиш сифати аҳамиятли, шунингдек, қизлар учун имкониятлар эшиги берк этилмаса, фахр билан ёдга олинандиган янги 21 авлод вакилларининг шаклланиши инкор эта олмайдиган факторга айланади.

БМТ Аёллар агентлиги расмийси Лаура Туркетнинг таъкидлашича, хотин-қизлар тенглиги учун кураш ҳамон давом этмоқда, 1911 йилда дунёнинг бор-йўғи икки мамлакатда аёллар сайловларда овоз бера олган бўлса, бугунга келиб деярли барча мамлакатларда хотин-қизлар сайловда бемалол қатнашиш ва ҳатто парламентга сайланиш ҳуқуқини ҳам қўлга

киритди. Жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бугунги кунда аёл ҳуқуқларини таъминловчи қонунлар сероб, аммо улар амалда қандай қўлланмоқда?

Қизлар ўқиши керак, дея жонбозлик кўрсатиб, толибон ўқидан қаттиқ жараҳатланиб, узоқ вақт Британияда даволаниб, эндиликда сал оёққа туриб, фаолиқни давом эттираётган покистонлик Малала Юсуфзой ҳам қизлар таълим олиши кераклиги бўйича курашди. У ҳамма қиз билимли бўлиши кераклигини таъкидлади ва шахсий мактаб очиб уларни таҳсил олишга ундади. Малала Юсуфзой ҳаяжон ила қилган нутқидан ота-оналарга мурожаат қилиб, фарзандларини ўқитишга ундади. Қизларга ҳам худди ўғилларингиздек келажиги порлоқ ва қобил инсонлар сифатида қараш кераклигини айтди.

“Менинг юртимда — Покистонда, террористлар халқни кўрқитиб, қизларнинг мактабга боришига тўсқинлик қилади. Мени ўлдирмоқчи бўлишди. Лекин мендан олдин ва кейин жуда кўплаб болалар улар қўлида қурбон бўлди. Бу инсонларни ҳеч ким билмайди. Уларнинг шарафи учун ҳам болалар ҳақини талаб қилишда давом этишимиз шарт. Бутун дунё бўйлаб, ёш авлод тинч ва соғлом яшашини, илмли бўлиши учун шароит яратилиши керак”, — деди “Нобел” мукофотининг Тинчлик йўналиши совриндори Малала Юсуфзой.

Ҳар бир қиз ўқимишли ва фаросатли бўлиши мустақкам оила, бахтли хонадон ва эркин муносабатларга сабаб бўлади. Азий қизлар доимо яхши таълим олишлик, зеро, билимли аёллар билимли келажакнинг давомчисидир, кучли билим, кучли потенциал билан илдамланг.

**Маржона ЖўРАҚУЛОВА,**  
**Қарши муҳандислик иқтисодиёти академик лицейи ўқувчиси**



Тўғриси, ушбу босқичларни ўрганаётиб мураккабликдан бошим айланиб кетди. Узундан-узун жараёнлар, жараён ичидаги жараёнлар, вақт ва давомийликнинг жуда узунлиги, ҳужжатбозлик...

жат талаб қилади — буни яхши биласиз!

Шу билан бирга бўлажак ота-оналарга қўйиладиган талаблар — қасдан одам ўлдирмаган, руҳан соғлом, норкологик ва психологик касалликларга дучор бўлмаган ҳамда болага босим ўтказадиган даражада асаб касалликларини бошидан ўтказмаган бўлиши шарт. Бу босқичлар ўз якунига етгач, асосий ишлар бошланади. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларга фарзандликка олаётган шахслар ариза билан мурожаат қилади. Шу жараёнда васийлик ва ҳомийлик органлари ва прокурор судда боланинг манфаатларини кўзлаган ҳолда биргаликда иштирок этади. Агар бола 10 ёшдан ошган бўлса, унинг розилиги талаб қилинади. Агар бола фарзандликка олинаётган оилада тарбияланаётган бўлса, бола сақлаб олинганлигини билмаса, унинг розилиги шарт эмас, деб ҳисобланади.



ҚИСКА  
САТРЛАРДА  
ЎҚИҲ!

Қорақўл туманидаги 1 сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатига “халқаро математика мактаби” мақоми берилди.



# Улуғбек мадрасасининг Хитойдаги издошлари

Ўзбекистон илм-фани тарихи Ғарбникидан сира кам бўлмаса-да, бироқ Улуғбек олий мактаби вориси – Самарқанд давлат университети каби шонли тарихга эга бўлган олий таълим муассасалари негандир қадимий университетлар рўйхатида келтирилмайди.

Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби кўплаб даҳоларни етиштирган Ўзбекистоннинг қадимги университетлари тарихи солномаси асли жуда кўҳна даврларга бориб тақалади. Қадимда шунча улуғ олимлари бўлган юртда, наҳотки, уларни тарбиялаган олийгоҳлар бўлмаган? Бу ҳол ўтмишда кўплаб буюк олим фузалоси бўлган юртнинг ўзида олийгоҳ бўлмагандек, алломалари эса чет элда ўқиб келишгану сўнг ўз юртида оламшумул кашфиётлар қилгандек тасаввур уйғотади. Ваҳоланки, уларнинг барчаси шу заминда таълим олган, тиббиёту алгебрани шу юртда кашф қилишган эди.

Агар Европанинг кўҳна университетлари ўтмишда асосан ўз юртида шўхрат қозонган бўлса, Самарқанд давлат университети ўтмишдоши бўлган Улуғбек мадрасаси олияси олимлари, таълим жараёни, илмий муҳити узоқ хорижда ҳам машҳур бўлган. Бу муҳитдан маърифатланган зиёлилар хорижда Турон мадрасаларига монанд илм ўчоқлари очган, Самарқанд илмий муҳитини сингдириб, улкан кашфиётларга, ижтимоий тараққиётга сабабчи бўлган. Шундай ҳолат Хитойнинг Шимолий-Ғарбий худудидаги Ёркент хонлигида ҳам юз берган.

Улуғ бобомиз, Мирзо Бобур қариндошлари, Улуғбек мадрасалари илмий-маънавий муҳитининг ҳавосини олган Султон Саидхон (1487–1533й.й.), ўғиллари Абдурашидхон (1510–1569й.й.), Абдукаримхон (1529–1591й.й.) каби зиёли хонлар Ёркент худудида ҳукмронлик қилган даврларда турли соҳаларда қатор ислохотлар ўтказиш билан бирга, Самарқанд илмий муҳити ва таълим тизимини ҳам ҳаётга жорий қилишга эришган-

лар. Бунинг натижасида қисқа вақтда Шинжонда ўзига хос маданий ренессанс даври бошланди, маърифий-адабий муҳит мисли қўрилмаган даражада юксалди. Ўша давр тарихий манбаларида ободончилик, маърифатпарварлик, илм ривожига муносабат ва ҳомийлик Алишер Навоийнинг Хиротдаги ва Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги фаолиятига қиёсланди.

Қашқардаги “Ҳоқония” мадрасаси, Ёркентдаги “Хон кутубхона”, “Хонлик мадраса”, “Муҳаммадхон мадрасаси” кабиларнинг шўхрати қўшни давлатларга ҳам ёйилди. Қисқа вақтда Ёркентнинг ўзида 10 га яқин мадраса фаолият бошлади, “Улуғбек мадрасаси” нусхасида тикланган “Рашидия” мадрасаси бош олийгоҳ мақомини олди.

Улуғбек олий мадрасасига ворис сифатида Хитойда фаоли-

муסיқашунос Юсуф Қодирхон Ёрқандий, шунингдек, Аёзий, Мавлоно Хулқий, Нафисий, Мирзо Мирак Чалиший каби шоир ва муסיқачилар илм олди. Ханифий, Хўпиқий, Мулла Ҳотиф, Бобо хўжа Охун Хўтандий, Охун Мулла Шоҳ хўжа, Мулла Ҳабиб, Муҳаммад Эмин Зеҳний, Мирза Шоҳ хўжа, Мулла Жуний хўжа, Мулла Фозил каби қатор шоир ва адиблар авлоди шундай мадрасаларда таълим олишди.

Адиб ва мутафаккир Муҳаммад бинни Абдулла Хароботий (1638 – 1730 й.й.) Оқсув шаҳридаги олий мадрасада мударрислик қилиш билан бирга, имом ва муршид сифатида ҳам фаолият олиб борди. Хукмдор Абдурашидхон эса нафақат султонлик қилди, балки қариндошлари Бобуршоҳ ва Хусайн Бойқарога тақлидан ижодкор сифатида ҳам ажойиб асарлар битди.

Бу далиллар Улуғбек мадрасаси олиясининг нафақат Туркистон минтақасида, балки узоқ ва яқин хориждаги таълим тизими ҳам ўзининг баракали таъсирини ўтказган. Улар бошқа мамлакатлардаги мадрасалар учун маёқ вазифасини бажарганлигини кўрсатади.

Айтиш лозимки, нафақат Мовароуннаҳрда, балки чет элдаги олий таълим ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган Мирзо Улуғбек олий мадрасаси фаолияти тўхтаган ва тугаган эмас. Самарқандда илм-маърифат жараёни давом этиб келмоқда! Ўз вақтида Шарқда илму маърифат бешиги бўлган бу улуғ даргоҳ бугун Самарқанд давлат университети кўринишида яшамокда, зиё, маърифат маскани сифатида фаолият олиб бормокда. Биз профессор Рустам Холмуродовнинг олий таълимимиз бошланишини ўрта аср уйғониш даври мадрасалари тарихи билан боғлаш хусусидаги ўринли ва мантиқли таклифини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Самарқанд давлат университети солномаси олий мадрасалар давридан бошлангани ва унга 1420 йили Мирзо Улуғбек асос солгани шу сабабли СамДУнинг ёшини кутлуг 600 ёш деб белгилаш ҳар томонлама тўғридир.

**Эркин МУСУРМОНОВ,**  
**Алишер ҒАФФОРОВ,**  
**СамДУ доцентлари**

Журналнинг ушбу сонида “Янги Ўзбекистон – янги парламент” рукни остида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси Танзила Нарбоеванинг “Олий Мажлис Сенати: яқин ва узоқ истиқболимиздаги фаолиятимизнинг бош мезони – халқ фаровонлигини юксалтиришдир” сарлавҳали мақоласи эълон қилинган.

## “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”

журналнинг ёшлар ҳуқуқларига бағишланган махсус сони

Муаллиф бугунги кунда сенаторлардан мамлакатимизда кечаётган ислохотларда шунчаки кузатувчи бўлиб четда туриш эмас, аксинча, ана шу ангиланишларнинг фаол иштирокчиси, ташаббускори, парламент назорати институтининг муҳим субъектига айланиш талаб этилаётганига ургу берган.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси билан чиққан эди. Самарқанддаги иккинчи Осиё анжумани кун тартибидеги асосий масала ҳам ана шу жуда муҳим халқаро ҳужжат лойиҳасини атрофлича муҳокама қилишдир. Журналда эълон қилинган мақолаларнинг аксарияти ҳам ана шу мавзуда.

Журналда халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг нуфузли раҳбарлари ёшлар ҳуқуқларининг турли муаммолари бўйича таҳлилий мақолалари билан қатнашган. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Ришард Коменда ёшлар ҳуқуқлари масаласи кўп йиллар давомида БМТ кун тартибидан тушмай келаётганига эътибор қаратади.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ёшлар анжуманининг бош директори Расул Омаровнинг журналда эълон қилинган мақоласида Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ёшлар стратегияси батафсил баён этилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси-

нинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича гуруҳ раҳбари Чаронис Жорж Константинос эса ўз мақоласида демократик жамият барпо этиш ва барқарор ривожланишга эришишда ёшларнинг ролини очиб берган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори, академик Акмал Саидов ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директорининг биринчи ўрибосари, юридик фанлари доктори Мирзатилла Тиллабоевнинг “Ёшлар ҳуқуқлари: халқаро, минтақавий ва миллий стандартлар” мақоласида ёшларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга доир халқаро ва минтақавий ҳужжатлар чуқур таҳлил қилинган.

Муаллифлар Алишер Хурсанов, Шоҳжаҳон Рашидов, Эркин Эрназаров, Зафар Шарқаровларнинг Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари, айрим хорижий давлатларда ёшларга оид давлат сиёсатини амалиётга жорий этиш механизмлари, ўз салоҳиятларини намоён қилиши учун зарур ҳуқуқий асослар, ёшларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари халқаро нормаларига доир мақолаларида ҳам долзарб масалалар кўтариб чиқилган.

Журналнинг ушбу сонида, шунингдек, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларнинг ахборот оқимидан самарали фойдаланишларини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш ва бошқа мавзулардаги илмий мақолалар эълон қилинган.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ,**  
**“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журнали бош муҳаррирининг ўринбосари**

**Қашқардаги “Ҳоқония” мадрасаси, Ёркентдаги “Хон кутубхона”, “Хонлик мадраса”, “Муҳаммадхон мадрасаси” кабиларнинг шўхрати қўшни давлатларга ҳам ёйилди. Қисқа вақтда Ёркентнинг ўзида 10 га яқин мадраса фаолият бошлади, “Улуғбек мадрасаси” нусхасида тикланган “Рашидия” мадрасаси бош олийгоҳ мақомини олди.**

ят юритган ушбу мадрасаларда география, биология, математика, фалсафа, медицина, шарият ва диншуносликка оид асарлар, араб, форс, урду, туркий, чин тиллари, шунингдек хаттотлик, муסיқашунослик ва магншуносликка оид фанлар ўқитилар, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Фаридиддин Аттор каби мутафаккирларнинг асарлари ўрганилар эди. Айнан шунинг таъсирида Шинжон худудида фан ва маданият соҳасида катта силжишлар юз берди.

Машҳур олим, “Девони Қодирхон” муаллифи, Алишер Навоий ғазаларига муסיқа басталаб, шашмақомга монанд “Висол” деб номланувчи мақом турини ижод қилган шоир ва


**ЖАМИЯТ**  
Муассислар:  
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.  
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.  
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини

қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.  
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
Ўзбекистон экологик ҳаракати.  
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.  
“Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали.

**Бош муҳаррир**  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ  
**Таҳрир хайъати:**  
Рустам Комилов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Раҳмат Маматов  
Нуриддин Убайдуллаев  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Ақтам Ҳайитов  
Адхам Икромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-814 Адади: 1112.  
Жума кун чикади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2010-7722**

**Навбатчи:** Дилбар Маҳмудова  
**Дизайнер:** Бегали Эшонқулов  
100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55  
Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта: jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
ЎЗА якуни:  
Топширилган вақти: 18:40  
1 2 3 4 5 6



Эндиликда чет элда иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни иш қидираётган шахслардан эмас, балки иш берувчилардан ундириш белгиланмоқда.



# “Дугоналарим” ойиси иккита” деб устимдан куладими?!”

**Ҳаво булут. Ёмғир шаррос қуяр. Наргиза телевизорга тикилганча сериал томоша қилаётиб “шу ҳам ҳаёт бўлди-ю? Наҳотки, аёлга хиёнат юкини кўтариш осон бўлса?” дея паст оҳангда пичирди. Бир хаёлида эса қизлари мактабдан кеч қолаётганидан ҳавотирга тушарди. Вақт алламаҳал бўлди. На эридан дарак бор, на қизларидан. Уни янада ваҳима қуршаб оди.**

Бир маҳал қизлари эшик оралаб кириб келди. Катта-си 5-синф, кичиги биринчига чиққан. Иккисининг ҳам уст-боши жиққа ҳўл. Кўзидан ёш тўхтамас, фақат инграрди. Наргиза кўрқиб кетди. “Нима бўлди жон қизларим” деб бағрига босди. Иккиси ҳам лом-мим демасди. Катта қизи Нигора чиқдаб туролмади, охири портлади:

- У бизни ёмон кўраркан...
- Ким, ким?..
- Ҳа, бизни ярим йўлда ташлаб кетди?
- Қизим, нималар деяпсан? Тушунтириброқ гапир, ким ташлаб кетди?
- Ойижон, бизни дадам ёмон кўраркан!
- Вой! Дадангиз сизларни жонидан ортиқ яхши кўради-ку қизларим.
- Ҳа, кўрдик жонидан кимни афзал кўришини...

Онаси гап нимадалигини

пайқамас эди. Ўйладики, дадаси қизларни мактабдан олмани учун хафа бўлаётпти.

- Нигора даданг қаёқда? Нега бирга келмадингиз? Ёки бугун сизларни олишни унутибдимиз?

- Ойи, дадам бизни мактабдан олиб, бирга уйга қайтаётгандик. Йўлда катта холамни қизлари келаётган экан. Машинада газ тўлдириб қайтиш учун баллонлар бор экан. Ўриндиқ кам бўлгани учун тўхтади-да, бизни тушириб, уларга машинага чиқишини айтди. Шу ёмғирда уйга қандай етиб олишимизни ўйламади ҳам. Соябонимиз бўлса кошкийди. Уларни уйига олиб кетди. Биз эса кўчада қолиб кетавердик...! Наргиза бироз ўйланди-да, қизларига дадасининг яхши тарафларини гапира кетди. Чунки ундан кўнглари совимасин

деди. “Биласан холангни қизларини дадаси йўқ. Бечораларни кўнгли ўксик. Бир яхшилик қилайин дегандир-да. Ахир қариндошимиз-ку, ҳам дугонанг бўлса. Шунга хафа бўласизларми, юринглар овқат тайёр совиб қолмасин”, деб вазиятдан чиқиб кета қолди.

...У қизларни юпатиб, ухлатиб бўлди ҳамки, дадасидан садо йўқ. Кута-кута ухлаб қолди ҳам.


Эрталабдан Наргизанинг кўнгли яна саросимага чўмди. Барвақт турган Нигора онасига: “Дадамни янги қизлари бор. Энди уйга келмаса керак!” дегани оғриган кўнглини баттар гашлади. Нима қиларини

**Қизларини тезда кийинтирдию, опасининг уйига шошди. Уйкуга тўймаган қизлари кўзини ишқалаганча онасининг орқасидан югурарди. Йўлма-йўл ҳар хил хаёллар бошида гужғон...**

билмай қолганди. Опасининг турмуши бузилганига анча бўлган. Шубҳа-гумон юрагининг туб-тубига етгандек бўлди. Жим қараб ўтиролмасди ҳам.

Қизларини тезда кийинтирдию, опасининг уйига шошди. Уйкуга тўймаган қизлари кўзини ишқалаганча онасининг орқасидан югурарди. Йўлма-йўл ҳар хил хаёллар бошида гужғон...

Дарвозасини тақилата бо-



ридан тортиб, урди. Лекин бу нимани ҳам ўзгартирарди? Ўзи жигаридан кўргани шу бўлгандан кейин додини кимга ҳам айтсин?! Эридан ҳам яхши гап эшитмади. Укаси билан бирлашиб, опани машинага тикди-ю, уйига олиб кетди. Укаси тинмай сўқар, ўзи жигарига шуни раво кўрган опасига айтмаган гапи қолмади...

Ота-она, опа-сингил, ака-ука йиғилишди. Хиёнаткор опанинг ялинишларига қарамай, уни ҳеч ким кечирмади. Она-зорнинг қон босими ошиб, шифохонага кетди. Номуга чидай олмаган отанинг боши ҳам бўлди. Ака-укалар бир-икки тарсаки туширган бўлди. Уни бир хонага қамаб, Наргизани уйига олиб кетди.

Оёғида мажол қолмаган, қизлари ҳам қайтиб келган, ва афсуски, улар ҳам ҳамма нарсасга ақли етган эди. Содда кўнгли билан катта қизи Нигора савол берарди: Ойи, холам даданинг хотини бўлибдимиз? Энди биз билан яшамайдимиз? Айтинг уйга қайтсин. Энди мактабдаги дугоналарим “ойиси иккита” деб устимдан куладими?!”

Бу саволлар жавобсиз қолди...

Гулҳаё ҲУСАНОВА

**Бизникига меҳмонлар келишди. Гап орасида сўраб қолишди:**

- Шакаринглар борми?
- Бўлиши керак. Кеча бир кило сотиб олувдик.

**Меҳмон кулди.**

- Нима, ақлдан оздингизми? Шакарни бир неча қоп олиб, беркитиб қўйинг. Яқинда шакар йўқ бўлиб кетади...

Бир неча килограм эмас, бир неча қоп!..

Бир танишим келиб қолиб сўради:

- Лампамай борми?
- Оз-моз бор.
- Яқинда лампамай сотувда бўлмасмиш, шунинг учун ўн беш-йигирма бидон сотиб олиб, яшириб қўйинг...
- Ўн беш-йигирма литр эмас, ўн беш-йигирма бидон!..
- Бир оғайним келиб сўради:
  - Сизларда чой борми?
  - Бор, эндигина бир қути сотиб олдик.
  - Кечирасиз, эсингиз жойидами? Зудлик билан қирқ-эллик қути сотиб олинг, бир ҳафта ўтмасдан, уни чироқ ёқиб ҳам тополмайсиз!
  - Дўстим маслаҳат берди:
    - Биласизми, ловия... чопиб

бориб беш-ўн қоп сотиб олиб қўйинг... У яқинда қимматлашиб кетади.

Ўн-ўн беш килограм эмас, ўн-ўн беш қоп!..

Кўшним чиқиб сўради:

- Совунинглар борми?
- Бир неча бўлак бор...
- Биласизми дунёда нималар бўляпти. Ҳамма баққоллардан совун сотиб оляпти.
- Кўшниларида яна бири огоҳлантди:
  - Ҳеч кимга айтманг: зайтун мойининг нархи кескин ошармиш. Кеч бўлмасдан бир неча бидон олиб қўйинг.
  - Агар дўстлар ва тани-

## НАРХ ОШАРМИШ

шларнинг гапларига кулоқ солсам, уйимизни озиқ-овқат омборига айлантдириш, ўзимиз эса меҳмонхонага бо-

**Шундай одамлар борки, нарх ошишини эшитиб озиқ-овқатларни улгуржи сотиб олади, бир йўла бир неча автомобилни ҳайдаб келади, уч-тўртталаб уй қуради.**

яшашимиз керак. “Қаергадир яшир...”, “Килолаб эмас, қолаб, қутилаб, бидонлаб...”

Худога шукур, бизда пул йўқ, аввалгидай бир кило зайтун мойи, уч бўлак совун, бир қути чой, бир кило шакар билан ўти турибмиз. Аммо, кимдир келиб сўраганда:

- Сизларда шакар борми?
- Ў-ў... тўлиб ётибди, кроватларнинг ости тўлиб кетган.
- Ҳа, лампа мойи борми?
- Юз бидон,- деб оғзига урамиз.
- Чойчи?
- Тиқилиб ётибди,- жавоб бераман,- беш юз қути сотиб

олиб яшириб қўйдик.

Шундай одамлар борки, нарх ошишини эшитиб озиқ-овқатларни улгуржи сотиб олади, бир йўла бир неча автомобилни ҳайдаб келади, уч-тўртталаб уй қуради.

Менга келсак, ҳеч нарсани ғамлаб қўёлмайман. Аммо мен ҳам бостириб келаётган қимматчиликка қарши чора кўриб қўйдим.

Мен бутун кун бўйи Эренкёдаги уйим билан Кадикё орасида қатнайдиган автобусда юраман. Кеча автобус саройга қайтгунча юрдим.


-Кечирасиз,- деди чиптачи,- биз саккизинчи бор йўлга отланыпмиз, сиз бўлса ҳамон ўтирибсиз. Қаерга боришингиз керак ўзи?

— Мен автобус ишини якунламагунча ундан тушмайман.

— Нима учун?

— Фақат ҳеч кимга айтманг, яқинда автобусларда йўл ҳақи ошармиш... Арзон пайтида тўйиб юриб олай.

Рус тилидан  
Ҳабиб СИДДИҚ  
таржимаси.



Ўзбекистон 2025 йилда ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларига мезбонлик қилади.